



R 496
Guliston
2012/5





ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА



Кадрли устоз ва мураббийлар!
Мухтарам юртдошлар!

Бугун, мана шу қутлуғ айёмда барчамиз учун энг азиз, энг кадрли бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуғ ишга бутун борлигини бағишлаган сиз, хурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилақларимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмун ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурмати ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз Ўқитувчи ва мураббийлар кунини деб ном олган гўзал байрамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, ёш авлодимизга билим, илму фан сирлари ва одабийлик сабоқларини ўргатадиган сиздек мўътабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизларнинг олдингизда умрбод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўқув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан “Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!” деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улуғвор вазифани амалга оширишда сиз азизларнинг қўшаётган бекиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охириги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ана шу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донғи чиққан университетларнинг олим ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилгани Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган бундай дастурларни амалга ошириш, аввало, сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди.

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi

Tahririyat:

Bosh muharrir:

Azim SUYUN

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Azamat FAYZULLAYEV

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Manzura SHAMS

Jamoatchilik kengashi:

Yoqub AHMEDOV

O'zbek milliy akademik
drama teatri direktori

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va
sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari

Dilora MURODOVA

O'zbekiston Davlat
konservatoriyasi rektori

Suvon NAJBIDDINOV

"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAYEV

O'zbekiston Davlat san'at va
madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori, professor

Azamat HAYDAROV

"O'zbeknava" estrada birlashmasi
Bosh direktori

Ushbu sonda:

Shermurod SUBHON

Taqdir yo'llari

Ibrohim G'AFUROV

*Aldamaydigan so'z va
aldamaydigan tuyg'u qidirib*

Kamola ISAXONOVA

Yana ijod haqida

Raisa HAZRATQULOVA

Iftixor

Ulug'bek RAHMONQULOV

Oila – muqaddas dargoh

Dilnoza KOMILOVA

Umlar bo'ladiki

Sohib JONTOYEV

Fransuzlarning sovg'asi

*Ko'z o'ngimda bepoyon boq'lar,
Yaproqlarda tilla rang q'ubor.
Yaqinlashib qolqandek toq'lar,
Havo shunday tiniq, beq'ubor.*

*Shitirlagan kechki yomg'ir ham,
Tumanlarni quchoqlagan tong,
Zop-qoraygan dalayu qir ham,
Bari menga tanish, qadrdon.*

*Daraxtlarda loyullar gulxan,
Yuragimda uning tafti bor.
Boq'chadagi xazonlar bilan
Uchib yurar kechaqi bahor.*

Bichimi 60x84, Buyurtma №123. Adadi: 2257 nusxa. Hajmi 6 b.t.
Bosmaxonaga 15.10.2012- yilda topshirildi. Bosishga 15.10.2012- yilda ruxsat etildi. Tahririyat
manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41- uy. Tel: 233 25 66, 233 27 94.
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0517- raqamli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.
Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8- uy.

E-mail: azimsuyunnur@mail.ru

Ва сизларнинг бу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги олижаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни жамиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга эл-юртимиз, шахсан ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун қуйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2-5 фоиздан ошмайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-ҳунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислохотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошлар!

Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ўйлантриши табиий.

Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабих кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни огоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусаффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.


Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонқуяр муаллим, мураббий ва домлаларнинг, барча маърифат аҳлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келажак олдида қилаётган улуғ хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин туғдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрли устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



TAQDIR YO‘LLARI

Маълумки, Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз томонидан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда миллий гояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англашга ва ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун қатор юксак мукофот ва унвонлар билан тақдирланишди. Мухбиримизнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони соҳиби, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори Комилов Холиджон Маҳамаджонович билан қилган суҳбатини, сиз, ўқувчиларимизга ҳам илиндик

– Домла, офтальмологиянинг ўзига хослиги, умуман, бу соҳанинг Ўзбекистонда ташкил топиши ҳақида гапириб берсангиз.

– Тиббиётнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланган офтальмология инсон кўрув аъзоси хасталикларини аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда зарур бўлганда жарроҳлик амалиёти олиб бориш каби ишларни ўз ичига олади. Республикамызда офтальмология 1918 йилда ташкил топган бўлиб, узоқ йиллик фаолияти давомида кўплаб мутахассислар етишиб чиккан, кўзи хаста беморларга ёрдам кўрсатиш хизмати яратилган. Ўзбекистон Республикасида аҳолига Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, иккита Республика кўз шифохонаси, ўн иккитадан ортик вилоят кўз шифохоналари, кўз бўлимлари ва кабинетларида тиббий ёрдам берилмоқда.

– Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Сиз раҳбарлик қилиб келаётган Офтальмология кафедраси мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

– Ҳозирда республикамызда мингдан ортик офтальмологлар хизмат қилишмоқда. Шулардан 90 фоиздан ортиги бизнинг кафедрамызда мутахассис сифатида тай-

ёрланишади ва малакаларини оширишади. Кафедрамизнинг асосий мақсади республикамиз учун етук, юқори билимли офтальмолог кадрлар тайёрлаб бериш. Шунингдек, уларни кўз хасталикларини текшириш усули, янги дори-дармонлар ҳамда муолажа ва жаррохлик усуллари билан таништириб бориш. Шу жиҳатдан амалиётни кафедрамиз базаси Республика клиник кўз шифохонасида ўргатиш кенг йўлга қўйилган.

Бу соҳада хўжалик ҳисобида ишлайдиган яхши асбоб-ускуна жиҳозларга эга кичик кўз клиникалари ҳам бор. Бироқ мазкур клиникалардаги кадрлар ҳам кафедрамизда ўқиб, малака оширишади. Бир сўз билан айтганда, улар билан ўртамазда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган соғлом рақобат бор.

Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ривожидан икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Биринчиси, тиббиёт соҳасини янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш, иккинчиси, мазкур техник жиҳозлар билан ишлай оладиган яхши мутахассислар етиштириш. Бу дегани мутахассисларимиз чет тилларини яхши билишлари зарур. Биз ҳозир диққатимизни ана шу масалаларга – кадрларнинг янги асбобларда ишлаши ва чет тилларни яхши билишига қаратмоқдамиз.

– Айнан офтальмология соҳасини танлашингизнинг боиси нимада?

– Инсон қандай оилада туғилишини ўзи танламайди, албатта. Лекин, баъзи инсонлар шундай оила муҳитида туғиладики, уларнинг камолотга эришишига замин яратилган бўлади. Мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор таникли кўз шифокори Маҳамаджон Комиловнинг оилаларида туғилганман. Мен ва синглим Гулжамила учун касб танлашда муаммо бўлмаган, тўғридан-тўғри тиббиёт соҳасига кириб келганмиз. Ўйлайманки, соғлом муҳит ва шарт-шароитга асосланган оиланинг келажаги ҳам мустаҳкам бўлади.

– Ўтган давр мобайнида офтальмология фанида бу борада қандай ўзгаришлар, тўғрироғи, янгилик ва ютуқлар кўзга ташланди?

– Илм – машаққат йўли. Унинг сўқмоқларидан юраркан инсон илгарига интилиб, масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Офтальмологияни ривожлантириш учун кўп ишлар амалга оширилди.

Айтиш керакки, кўз касалликларининг тури 500 дан зиёд. Уларни белгилари билан ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам янада ортади. Кўз рефракциясининг аномалиялари, гилайлик, кўрув йўли касалликлари, глаукома, катаракта касаллиги, кўзнинг шоҳ пардаси касалликларининг белгилари ҳамда доволаш усуллари маълум бир тизимга солдик. Натижада илмда қилган янгиликларимизнинг барчаси босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилмоқда.

– Инсон тана аъзоларининг энг нозик ва мураккаб тузилишга эга кўз аъзосида юзага келадиган

хасталикларнинг сабаби нимада?

– Дарҳақиқат, кичик, нозик ва мураккаб тузилишга эга инсоннинг кўзи Оллоҳ яратган чексиз мўъжизалардан биридир. Кўзнинг тузилишига асосланиб, турли оптик камера ва роботлар яратилган. Лекин таққослаш учун айтишим мумкинки, кўзнинг ўлчови ўртача 22 мм бўлса, ҳозирги энг кичик оптик камераларимиз ҳам катта шаклга эга. Кўзда шунчалар кўп хужайралар жойлашганки, улар ёруғда ҳам, коронғуда ҳам кўриб, турли ранглари ажрата олади. Буларнинг барчаси илоҳий мўъжиза. Шунингдек, кўзнинг ёруғликни илғаш бораида гапирадиган бўлсак, оптик камера барча ёруғликни кўра олмайди.

Кўз хасталиклари ҳақидаги саволингизга келсак, яллиғланиш асосан кўзнинг қон томирларида пайдо бўлади. Кўрув аъзолари шикаст еса ёхуд жароҳатланса, оғир ёки енгиллигига қараб доволанади, муолажа қилинади. Шунингдек, кўрув аъзоларида ҳам танадги каби қарилик аломатлари учрайди. Кўз аста-секин қариб, кўз қон тўқималарида турли ўзгаришлар рўй беради. Натижада кўзда катаракта ёки шунга ўхшаш турли хасталиклар юзага келади.

– Дунёнинг етакчи офтальмологлари билан тажриба алмашиш ёки турли халқаро семинар ҳамда учрашувлар қандай натижа бермоқда?

– Офтальмология соҳасининг ўзига хос қатор йўналишлари бор. Биз хориждан микрохирургия, реконструктив жаррохлик – кўчириб ўтказиш операциялари, нанотехнологик усуллари ўзлаштиришимиз мумкин. Лекин чет давлатларнинг Ўзбекистон офтальмологларидан ўрганадиган жиҳатлар ҳам талайгина. Масалан, қўй юраги пардасидан олинган тўқимани кўзнинг атрофига қўйиб туриб, айрим касалликларни доволаш усули Ўзбекистонда яратилган. Бу борадаги услубимиз анча самарали. Шу маънода, биз чет элга борганимизда улардан баъзи янгиликларни ўрганиш билан бирга, уларни бизда яратилган янгиликлар билан таништирамиз, яъни тажриба алмашамиз.

– Ўзбек офтальмология мактабининг ўрни ҳақида нима дея оласиз?

– Мустақилликнинг илк йилларида офтальмология соҳаси бўйича 4 та тиббиёт фанлари доктори бор эди. Фанимизнинг ривожланиши натижасида ҳозирги кунга келиб, фан докторларимизнинг сони 14 тага, номзодларимиз сони 80 тага етди. Улар яратган янгилик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам янгилик сифатида эътироф этилди. Германия, АҚШ, Россия ва Қозоғистон офтальмологлари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Қозоғистон Республикасидаги ихтисослашган илмий кенгашларга бориб, илмий ишларга оппонентлик қилдим. Шунингдек, қатор офтальмолог олимларимиз ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлишган. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон офтальмологларига бўлган ишончни кўрсатади. Республикамизда бу соҳани яна

хам ривожлантирсак, бу билан биз, бутун жахон офтальмологиясига ҳисса қўшган бўламиз.

– Бугун ушбу соҳада қандай ютуқларга эришилаётир?

– Бундан 10 йил олдин кўз гавҳари ядроси қаттиқ бўлса, уни олиш учун катта кесим лозим эди. Ҳозир ўша қаттиқ ядрони ультратовуш ёки лазер ёрдамида парчалаб, кичик кесим орқали амалиёт олиб борилмоқда. Шунингдек, илгари қандли диабет касаллигида кўз гавҳари олинди, сунъий гавҳар ўрнатиш мумкин эмас деган, қараш мавжуд эди. Ҳозирда қандли диабет билан оғриган касалларда ҳам зарарланган кўз гавҳари ўрнига сунъий гавҳар қўямиз. Уларнинг кўриш имкониятлари тикланиб, кўзи равшан бўляпти.

Ривожланган давлатлар бу соҳадаги ютуқларга 100 йил, ҳатто ундан ҳам ортиқ давр мобайнида етишган бўлса, биз 21 йил давомида баҳоли қудрат ўзимизга хос ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Чунончи, ушбу соҳа – кўз жарроҳлигида замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришаётганимиз, умуман, офтальмология миллий мактабини яратганимиз ҳукуратимиз томонидан эътиборга олинди ва мен “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвонига сазовор бўлдим.

– Шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

– Шогирдим Раҳмон Муҳаммадиев қўйнинг перикардидан олиб ксенотрансплантат тайёрлаб, уларни кўз касалликларида қўллаш бўйича фан доктори бўлди. Кейинги фан докторимиз Мунираҳон Қосимова менинг ишимни давом эттирмоқда. У кўриш нерви касалликларидан олдинги ишемик нейропатия каби кўз хасталиқларини комплекс ўрганиб, даволаш чораларини ишлаб чиқди. 30 дан ортиқ фан номзодлари бор. Уларнинг барчасини қисқа суҳбат давомида санаб ўтишнинг имкони йўқ.

Хуллас, кўпгина шогирдларимиз республикамизнинг турли вилоят кўз хасталиклари шифохоналарида, клиника бўлимларида ишлашмоқда ҳамда илмий-амалий ишларини давом эттиришмоқда.

– Домла, Сизни таҳририятимиз, қолаверса, барча журналхонларимиз номидан яна бир бор “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони билан табриклаймиз ҳамда узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаймиз. ■

*Шермурод СУБҲОН
суҳбатлашди*



Ibrohim G'AFUROV

Aldamaydigan soʻz

va aldamaydigan tuygʻu qidirib

(мансуралар)

КҮНГИЛ ОВИ

Бу воқеага ўн йилча бўлди. Эрталаб кеча тунда ўқилган Фузулий “Лайли ва Мажнун”нинг таъсири ҳали йўқолмаган, балки янада кучайган эди. Ҳа, кеча тунда Фузулийнинг дostonини соғиниб ўқидим. Юрагим ёнар сўзлардан ҳапқирди. Сўз алангаларида ишқ – оддий бўлмаган ишқ жонланиб, жонсўз суратланди:

Лайли Мажнун Ажамда чўхдур,
Атрокда ул фасона йўхдур.
Такрира кетур бу дostonи,
Қил тоза бу эски бўстони...

Атрок – турклар. Фузулий турк элларида “Лайли ва Мажнун”га ўхшаган дoston йўк эди дейди-ю шоирона камтарлик қилади. Ҳолбуки, Фузулийгача Низомий ва Навоий бу дostonни турк диёрларига ёйган, уни “турклаштирган”, ишқ, илоҳийлик ғояларини туркий халқларнинг барчасига яқинлаштирган яқин қилган, санъатда туркиёналикнинг узвий, чамбарчас бир қисмига айлантирган эдилар. Фузулий ҳам бу эски илоҳий-дунёвий ишқ дostonини янгилашни, унга ўз қалбининг кўрини бериш ва туркий халқлар ҳиссий маданиятини юксалтиришни орзу қилади. Қазо шундай қурилган... Азал шундай қурилган... Унда эски дostonларни янгилаб туришга ўлмас, туганмас эҳтиёж бор...

Менга улуғ туркий донишманд шоирларимизнинг эски бўстонларни янгилашга интилиб келган лиқлари жуда ёқади.

Эй таъби латифу ақли воло,
Идроки баланду нутки гўё,
Душди сафарим диёри дарда,
Кимдир манга ёр бу сафарда...

Воло – баланд, улуғ, энг олий кадрли. Нутки гўё – ширин сўз, бийрон тил, доим сайроқи. Таъби латиф – табиати, феъли атвори, хатти-ҳаракати на-

фис ва мулойим, беозор. Идроки баланд, яъни тушунчаси ўткир, ҳар қандай дунё ходисаларини тушуниш ва таҳлилга қодир. Фузулий кимнинг белги хусусиятларини бунчалар улуғлаб ва бунчалар аниқликда таърифлаб мурожаат қияпти? Бу тўрт аниқ таърифланган ва аниқ сўзлар билан баён қилинган сифатлар туркийларнинг табиатдан ато қилинган туғма сифатлари! Фузулий шундай сифатларга эга бўлган ўқувчисини ўзи билан ишқ диёрига таклиф қияпти. Шу ўқувчининг ажиб табиий сифатлари у яратган ишқ ва дард достонининг ҳам нафосатий сифатларига айланади.

Ҳақиқатан:

таъб латифлиги –

Ақл улуғлиги –

Идрок баландлиги –

Нутқнинг бийронлиги –

туркийларга табиатдан қазо ва азалнинг инъоми. Шу сифатлари билан у дардлар диёрига сафарда шоирга ҳамиша одил, холис, мухаббатли, содиқ ҳамроҳ ва ҳамроҳ бўлолади. Фузулий уни бекорга ўз сафарига бирга бўлишга чорламапти. Бу сафардош унга бахтлар элчиси каби кўринади ва гавдаланади.

Тонг ёруғида ўрнимдан турганимда тунги ғоялар мени тарк этмаганини, улар юрагимнинг тўлқинларида тўлқинланаётганлигини пайқадим. Тонгги сайримга отландим. Қиш эди-ю, осмон бўз булутлар билан қопланган, улар шарқ томонларга охишта беозор, ҳаммалари бир бўлиб сузиб борардилар. Қуёш Жадий буржида эди-ю, ҳали Чотқол тизмалари узра қалқмаганди. Булутлар ғарбдан йўл олгану шамолнинг салқин-сарин-совуқ-муздек эпкинни шимолдан эсаяди. Қуёшнинг тезда юксалишидан дарак бериб жануб ёқларда сузаётган булутлар оппоқ ёришади. Қишнинг осмони дам зангори-ложувардий, дам бўз, кулранг. Ҳа, у қадар аёз эмас. Аммо бир неча кун илгари шиддатли ёғиб ўтган қорлар эримаган ҳам. Ўғилнинг эрта уйғонишини ўйлаб, унга қўнғироқ қилдим. Овозим оҳангида соғинччи сездими, “агар келадиган бўлсангиз, ўзим ҳозир бориб олиб келаман, – деди махрамона. – Уй иссиқ. Набираларингиз турган. Уйда иккита электр печ ишляпти. Иссиқ. Бу печлар уйнинг ҳавосини бузмас экан...”

Ҳумоюн бу йил ўттизга кириб боряпти. Ўзимнинг ўттизга кирган чоғларимни эсладим ва ўғилга қиёс қилдим. Ўттиз. Умрнинг ярми ё чораги... Аммо ўттизга одам баъзан ўзини яшаб-яшаб бўлгандай туяди. Ҳамма нарса кўрилгандай, ҳамма нарсалар ўтилгандай, сараклар саракка, пучаклар пучакка ажралиб бўлгандай. Ажиб ёш бу ўттиз! Умри олийшоннинг ажиб палласи! Бир саройга кирасан. Бошқасидан чиқасан. Ўзига қараб мен саройингга кирдим! Ё мен саройингни ташлаб чиқдим дейсан! Шундай палла бу ўттиз! Худо ўттизингни хайрли қилсин! Ўттизингда адашма! Мен ўттизимда ўзимга шундай деганман. Ўзимга уқтирганман. Ўзимни йўлга чоғлаганман. Энди шуларни ўттизга кирганлар ва қираётганларга тилайман. Бу садқа жон доим сиз билан!

Пешиндан сўнг соат учларда иссиқ бўлиқ нон егим келди, новвойхонага тушдим.

Ҳавонинг рабдойи энди ўзгарган, тундлашган, захлашган, боя кеч кузнинг ҳазонлари кўзимга чалинмаган эди, энди ҳаммаёқда ҳазонларни кўраман. Уларни тинмай йиғиштиришади, аммо йиғиштириб улгуришолмайди, ҳазонлар ўз-ўзидан кўпаяётганга ўхшайди. Ҳазон япроқлари ивиган, бўккан, мунгли бир тусга кирган, чиригиси келмайди, лекин муқаррар чирийди. Одам кўчаларда сийрак, шаҳар боғлари хувиллайди. Бундай пайтда ҳеч кимнинг уйдан чиққиси келмайди. Аммо иш, тирикчилик, чиқади, иложи йўқ. Уйда ўтириб нима топади?

Новвойхонада уч-тўрт киши тандирдан янги нон узилишини кутиб кўрпача тўшалган узун тахтада ўтирибди. Икки кексароқ одамдан бири кўзимга иссиқ кўринди. Тикилиб қараб, унинг Мавлон Икром эканлигини билдим. Негадир эски кадрдонни кўргандай суюниб кетдим. Мавлон ака сариқ тор пахталик телогрейка, оқ кўзи қалпок, таги жуда қалин сариқ ботинка кийган эди. Анчалардан буён ўз ишларим билан овора бўлиб уни кўрмагандим. Аввалгидан анча қариб, қарилиги аён кўзга ташланиб, юзи салқиб, ажинлари кўпайиб чуқур-чуқур ботибди.

“Саксонларга кирди-ёв Мавлон ака”, хаёлимдан ўтди ва олдиларига яқин бориб оҳишта салом бердим.

Мавлон ака тандирнинг гувиллаган ўтига қараб ўтирган экан, даҳватан мени танимай турди. Танимаган кўзларини менга тикди. Юзида ҳеч қандай ифода акс этмади.

– Мавлон ака, Мавлон ака! – деб яна бир қадам яқинлашдим. Шундан кейингина у мени таниб, юзлари бирдан ёришди, саксонга кирган бўлишига қарамай дик этиб ўрнидан турди:

– Э-э-э! Сизмисиз Ибройимжон! Ҳа, нима қилиб юрибсиз бу ерда? Телевизордагина кўраман. Э салют! Э саломат! – деди у самимий хурсандчилигини яширмай.

– Ўтиринг, ўтиринг! – деб ёнидан тахтадан жой ажратди.

Нонвой Рашид қип-қизариб бўрсиллаб пишган, лангиллаб турган нонларни қордай оппоқ дастурхон ёзилган катта саватга итқита бошлади. Биров иккита, биров тўртта, пулини ташлаб нон олиб кетишди. Навбат Мавлон акага келди. Иккита нон олиб елим халтага ташлади. Менга ҳам охириги иккита нон тегди. Уни кўлимдаги қийиққа авайлаб ўрадим.

– Ҳа, қаерда турасиз, Ибройимжон? Ҳалиям газетадамисиз? Ё бошқа ишга ўтиб кетдингизми? – деди Мавлон ака менинг жавобимни кутмай ташқарига йўл оларкан. Ташқарига чиққанимиздан кейин мен тўққизинчи қаватни кўрсатдим:

– Ҳов ана ўша қалдирғоч уясида турамыз.

– Эҳ-ҳе! Баланд-ку! – Мавлон ака уй ичларимизни сўради. Таърифлади. – Юринг. Икки қадам мени кузатинг, – деди. Мавлон аканинг кўзларига билинар даражада юпка кўк парда тушган, қорачуқлари аранг пайқалади. У оҳишта ҳикоя қилиб борди:

– Набирам ишда. Кечкурун келади. Кеннойингиз кизимни кўргани кетди. Қизим хорижда университетда фонетикадан дарс беради. Илмга мук кетган. Ёқлайман деб юрибди. Мени ҳам кўп келинг, дада, дейди. Лекин мен нима қиламан у ерларда? Тил билмасам? Менинг катта опам фарзандсиз ўтган эди, – Мавлон ака кекса бошини лиқирлатди. Одат бўйича бурнидан шимириб-шимириб нафас олди. Қизим ҳам илмдан бўшамайди, билмадим...

– Ноумид бўлишга ўрин йўк, Мавлон ака... худо берман деса, ҳеч гапмас, даргоҳи кенг...

– Тўғри айтасиз, ноумид шайтон...

Мавлон акани мактабгача кузатиб бордим. Тинч, дарахтзор, одам сийрак тор кўчалардан ўтдик. Мен газеталарда хизмат қилганимда Мавлон акани истаб, ундан овчи ҳикояларини ёздириб олгандим. Ўқувчилар унинг бу ҳикояларини кизиқиб ўқишарди. Ажаб воқеаларга тўла бўларди у овчи ҳикоялари. У ўқувчиларнинг кизиқишларини кўриб хурсанд бўлиб, сонма-сон ёзиб кела бошлади. Ҳозир овчи ҳикояларини ёзадиган қаламқашлар қолмади ҳисоб. Шукур Холмирзаев топларди овчи ҳикояларини, Мавлон Икромнинг тенгқур дўсти Раҳим Бекниёз ёзарди овчи кўшиқларини, баъзан Оқилжон Хусанов... Аммо овчилик қуридим, овчи ҳикоялари ва кўшиқлари кўринмай кетди...

Мавлон Икром доим “мен кинологман”, дерди. У ростдан ҳам, ит қавмини миридан сиригача яхши биларди. Кўп ҳикоя қиларди. Албатта, овчига хос муболағалари ҳам бўларди.

– Бектемирдан ўтгач, Чирчиқ бўйида кичкина боғ қилганман. Меваларнинг ҳамма туридан етиштирганман. Сабзавот экаман. Қўшниларим қарашиб туришарди. Ҳосилни ҳаммасини улашаман. Хурсанд бўлишарди, ўзим ҳам хурсанд бўламан. Олиш яхшидир-у, аммо бериш ундан минг чандон яхши, – деб секингина кулиб қўяди Мавлон ака.

– Овлар энди қолиб кетгандир, Мавлон ака?

– Э, нимасини айтасиз. Ёмон хумори тутади. Қўмсаб ўламан. Лекин ов соб бўлди. Уйимизнинг устидан ўрдак-ғозлар тоза қитиғимга тегиб вағирлаб учиб ўтади. Тикилиб кузатиб қоламан... Сизга яна бир кизик нарса ёзиб бераман. “Саодат”боп нарсам ҳам тугай деб қолди. Ёзадиган нарса шунча кўп, куч оз, умр вафосиз. Баъзан кайфият бўлмайди. Набирамга овқат тайёрлайман. Вақтни тўхтатиб бўлмайди. Вақт ҳар бир одамнинг ўзи билан тўхтади. Хўп, хайр. Омон бўлинг...

Мавлон ака хайрлашиб қўлини узатди. Унинг қўли пардай енгил эди. Ипи қолмаган ғалтакни ушлагандай бўламан. У хира тортган кўзларини менга бир зум тикиб термулиб туради. Ўз даврида Мавлон Икромнинг шеър китоблари пайдар-пай чиққан, у аниқ ва чиройли, аслига мос қилиб таржима қиларди. Блокдан, Тўқайдан, Қулиев, Танқдан ва бошқа кўп шоирлардан таржималарини ўқиганман. У Масковда адабиёт курсларида ўқиган, саводхон инсон эди.

2003 йилнинг 3 январидан эътиборан мунажжим-

ларнинг ҳисобларига қараганда, Далв даврига кириб-миз. Неча минг йиллар давом этган Мох (Балик) даври тугабди. Замонлар ва одамлар ўзгарсалар керак. Табиат ҳам, одамлар ҳам энди бутунлай бошқача бўлиб қолади, бошқача ҳаракатларга берилдилар. 1991 йилда бўлиб ўтган воқеаларнинг айримларини ёзмоқчи бўлиб материалларимни кўздан кечирардим. Фузулийнинг “Лайли Мажнун”ида негадир Мажнуннинг “Манго мани” деган ғазалини эсладим. У китобдан бу китобга шўнғиб куним кеч бўлди. Нима учун Мажнун: хурсандчилик ва шавқ менга керакмас, менга ғам керак дейди? Ғам, ҳузр худого маъқулроқми? Ёки бу унга яқинлашишнинг асил йўлими?

Нега ошиқлар дардни танладилар?

Мен ўсмирлик пайтим бир куни кузақда акамнинг ов милтиғини сўраб олиб ўрик шоҳида ўтирган бир мусичани шунчаки кизиқиб отиб туширганман. Қуш ҳамма ёққа конини сачратиб, ерда анчагача булғаниб ётди. Мен бундан завқланганим йўк. Эртасига юз кун касал бўлдим. Шу-шу ҳатто чумоли инини ҳам босмайман, четлаб ўтаман. Одам ўзи яратмаган нарсани жондан махрум қилишга ҳақи йўк. Ов – фожеа. Хемингвей фожеаси – инсоният фожеаси. Мен ўзимни қидириб “Қуръон”га қираман. Қаҳф горига бораман. Қитмир деган итнинг изига дуч келаман. Мен ўзимни шу Қитмир итнинг изига ўхшатаман. Ит қолибди-ку, бинобарин, одам ўлмайди, из қолибди-ку.

Мавлон Икром 2010 йилнинг 28 мартада тўқсон ёшида қазо фаррошига дуч келди. Мен бу кунларда сафар юмушида эдим. Келгач, эшитиб уйига бордим. Мени кекса бир аёл кутиб олди. Фотиҳа ўқидим. Аёл ёшлигида жуда гўзал бўлган эса эҳтимол. У бошини эгиб жимгина ўтирарди. Хайрлашаётганда, у кўзимга мулоимгина қаради. Унинг кўзлари ҳамон ўз гўзаллигини йўқотмаган, сирини саклаган эди. Мавлон аканинг узоқ яшаш сирини тушунгандай бўлдим. Бундай тоза кўзлар ҳамроҳинг бўлса, умринг абас ўтмагай.

БРЮССЕЛДА

Брюсселда жуда юксак Ғалаба куббаси равоқида мусича ўтирарди бемалол ва томоша қиларди томошабин Осиеви бепарво. Мен равокнинг ҳашаматига эмас, унга қойил қолдим. У равокнинг асл эгасидай ва барча ғалабалар уникадай баланд курсида ўтирарди. Негадир, уни кўриб болалигимдан бери мени ҳеч қачон тарк этмаган нарсалар ҳақида ўйга толдим.

Болалигимдан ташқарида биринчи таниганим бу – мусича. Улар ховлимизни тўлдириб юришар, бўғотларга жуда омонат инлар қуришарди. Фақат ушук ерди мусичалар. Мен уларнинг гўшт, чигиртка емасликларига хайрон қолар ва бунини ўзимга тушунтиролмасдим. Ҳамма-ҳамма гўшт ейди, гўштни яхши кўради. Арслонлар ўлиб қолай дейди гўшт устида, нега сен гўшт емайсан, мусича?

Болалигим менинг – мусича.

Мусича, сен мени ташлаб кетмадинг. Қайда бўлсам, деразамда сен хозирсан ва кукулайсан, худо номини айтиб.

Умр ўтди
бошлар оқарди
ғам-кувончлар гулханларида жизғанақ бўлдим.
Фақат сен – мусича мени ташлаб кетмадинг.
Мусича – болалигим
ЭЙЙОООООО!
Беозорлигим!

ЭПИГРАММА

Билганим ҳаётнинг хулосаси шу:
Дунёнинг аёлдан бошқа боли йўқ,
Аёлча бўлолмас бошқа боллари
Бошқасидан кўнгил тўлмас, бўлмас тўқ.

ДОЛМЕНЛАР

Кавказу Британия
Геленжикда долменлар –
Эллик қалъа домида
Тош супада даллиман.
Нураган бу қалъа –
Нега уни севаман?
Чорлар мени хароба –
Нега, нега севаман?
Тушимда харобалар
ўнгимда аробалар
Харобами, хабарлар –
Ўртар кўнгил тосини...
“Вой, хароб!...” – дер шоир –
Эгиб тарих ёйини...

НАХОТ ШУ БЎЛСА АҚЛ?

Нахот шундай вайрона ўйинлари Ақлнинг?
Чеки борми бу муаммо ўзбошимча нақлнинг?
Охирги сўзими шу ўқиган Мунаққиднинг?
Нима единг, нима ичдинг, қолдимми ҳеч ёлқининг?

НЕГА СЎЗЛАР УНУТИЛАДИ?

Дўстлар даврасида бир суҳбатимизда гап Навоий ғазалларидаги ажойиб-ғаройиб синтактик гап қурилишлари устида кетди. Мен шу куни эрталаб ўқиганим ва эслаб қолишга уринганим байтни ўқидим:

Не рафикекеим, дарди холимни десам,
Не шафикекеим на ҳоятсиз малолимни десам...

Эркин Воҳидов диққат билан тинглаб ўтирарди: Навоийда бундай гап шакллари бениҳоя ранг-баранг, деди. Байтни яна бир бор айтишни сўради. Мен такрорладим. Шоир ҳам қайтарди:

– Йўқ, – деди ўйланиб, – биринчи мисрада уч бўғинли бир сўз етишмаяпти. У яна ўқиди: – Кўрдингизми? Бу ерда уч бўғинли сўз бўлмаса, вазн

бузилади. Мен қайсарлик қилиб, аниқ шундай, ўзим эрталаб ўқиганман, дедим. Эркин Воҳидов яна:

– Чикмаяпти, – деди, – маъно тушунарли, лекин бир сўз кам.

Ўйланиб қолдим. Эрталаб қай ҳолатда ғазални ўқиганимни эсладим. Бироз паришон эдим. Миямнинг тепасида қандайдир ҳовурли оғриқ бор эди. Бу оғриқ юрагимни бир неча кундан бери ғаш қилади. Ғашликни енгиш учун ғазал ўқийман. Оғриқдан кўнгил ёзилмайди-ю, ғазал дилни равшан қилади. Ғазални ўқиганимда нимадир мени тўхтатди, бу маънига кўшилмадим. Лекин ҳозир ҳеч эслолмаяпман: у нима эди? Ва бирдан эсладим: Навоийнинг ғазалида битта “давосиз” деган сўзни ташлаб ўқиган эканман:

Не рафикекеим, давосиз дарди холимни десам...

– Ана-а, – деди Эркин ака юзи ёришиб, – ана энди вазн расо бўлди.

Эрталаб ўқиганимда: йўқ, давосиз дард бўлмайди, ҳар қандай дарднинг давоси бор. Лекин гап уни топишда. Шунинг учун эрталаб “давосиз” сўзини аллақандай унутган эдим. Дардинг устун келганда бошқа нарсаларни унутасан. Эс чексиз эмас.

СЕМУРҒ

Эй минг қанотли,
минг кўзли
муқаддас кушим
Семурғим!
Бошимни силаб ўт
Қанотинг уқпарлари-ла
Назар сол
бу юрак назаргоҳ
минг кўзинг
назарлари-ла!
Эй Семурғ,
иқболим!
Салом!
Табрик!
Таҳният!
Йўллағил мендан
болаларимга
элларим –
лолаларимга
Ой ёктиси – холаларимга!

ҚЎРҚИНЧ

Қўрқаман мен –
ўз ёзувларимдан
қўрқаман: улар мени алдайдилар деб!
Уялтирар мени
қизартирар мени
вақти келса аямайди деб!
Қўрқаман мен ўз сўзларимдан
қўрқаман ҳатто талаффуз қилгани
ёлғон

билинтирмай
кўшилгайдир
талаффузга деб!
Лек нима қилай
севаман уларни
ҳаяжонга солар сўзлар
қадим пайғомлар
кўрқаман алдамаса деб
мени –
шу
турфа ҳаяжонлар
алдамчи
ҳаяжон ёмон!

РОБИЯГА

Робия, бўлгил огоҳ
Зил-оллоҳ!
Зил-оллоҳ!
Бу куйнинг оти Дугоҳ
Зил-оллоҳ!
Зил-оллоҳ!
Ҳар одамнинг ичига боҳ
Зил-оллоҳ!
Зил-оллоҳ!
Бари келур баногоҳ
Зил-оллоҳ!
Зил-оллоҳ!

4.10.12.

Ҳётедан (парабаза)

Кичик ўхшар каттага
Гар ўзгача кўриниш
Мангу тургай ўзгариш
Ўтмишда тушган хатга
Келажакда келармиш
Дунё каби ўзгариб
Чорландим тахайюрга.

ЭЛЕГИЯ

Дўстларим, хайрлашайлик
Замин тўқай
Вахший қоялар ичра
Мен ёлғиз қолдим.
Эса сизлар борингиз
Буюк оламга дадил
Сизни кучсин улуғвор
Дарахшон замин замон.
Ўрганингиз барини –
Бу осмон, ер, сувларни –
Ўтинг бўғинма-бўғин
Ва етингиз то табиат қаърига.

MUSIQA MUALLIMI



Умр — оқар дарё, дейишади. Ҳақ гап. Каттакўрғонлик мохир созанда, мусиқа муаллими Одилжон Суннатов ҳам — кунни кеча дутор қўлтиқлаб, мусиқа тўғарақларининг бўсағасини чуқур қилиб юборган мурғак санъат ошиғи бугун устоз-муаллим. Дутор-рубобини сайратиб, “ғезини келтириб” чалади. Унинг бармоқлари дутордаги сеҳрли пардалар билан уйғунлашиб, гоҳ мунис, гоҳ шўх-шан наволарни мухлислар дилига сингдиради, тингловчини сел қилади.

Ҳа, Одилжоннинг орзулари ушалди. У болалигидан мусиқа шайдоси эди. Бугун эса болаларни катта сахналарга чорляпти, уларга қанот бўляпти.

– Ўзбек миллий мусиқа санъатининг томири жуда чуқур ва мустаҳкам, – дейди Каттакўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари, “Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби Одилжон Суннатов, – энг қувонарлиси – мумтоз куйларимиз айни дамда ёш, навниҳол созандаларимиз томонидан ҳам мохирона ижро этилаётир. Яхши мусиқанинг қаноти бўлади, қолаверса, таржимонга ҳам эҳтиёж йўқ. Демак, бу асарлар минглаб, эҳтимол юз минглаб тингловчиларга диёримизнинг нафасини, юрагимиз депсинишларини, хуллас, ўзбек элининг завқу заковатини етказаяпти.

Одилжон 1973 йили Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институти (ҳозир Низомий номидаги педагогика университети)нинг мусиқа факултетини муваффақиятли битириб, меҳнат фаолиятини она шаҳри — Каттакўрғондаги маданият уйида бошлади. Анча пайт маданият уйларида ҳаваскорлик халқ чолғу тўғарақларига раҳбарлик қилди. Бир неча йил мактаб ўқувчиларига мусиқа санъатидан сабоқ берди, шаҳар маданият бўлими қошида «Навбахор» ашула ва ракс ансамбли ташкил этилишида бош-қош бўлди. Мазкур даста ўша йиллари турли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, махсус дипломлар билан тақдирланди.

О. Суннатов раҳбарлигида салкам ўн йил фаолият юритган «Дуторчи қизлар» ансамбли чикишлари вилоят ва республика кўрик-фестивалларида ғолиб бўлди.

– Ўқувчи қизлардан ташкил топган «Дуторчи қизлар» ансамбли узоқ йиллар Каттакўрғон шаҳрининг шуҳратини оширганди, – дейишади Каттакўрғондаги 2-болалар мусиқа мактабининг ёш ўқитувчилари Раҳматилла Хушиев ва Давронжон Нурмуродовлар, – Шу боис устозимиз Одил ака

Суннатовнинг хизматлари муносиб баҳоланди. У кишининг кўксини безаб турган «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси», «Методист ўқитувчи» нишонлари ёш авлодни миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш ва санъатимизни тарғиб қилиш йўлидаги беминнат хизматлари учун берилган.

Ишчан, талабчан, ташкилотчи мустахассис, мохир машшоқ Одилжон Суннатов 2001 йилдан буён Каттакўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари. Бу даврда мактаб биноси қайта таъмирланди, ўқув даргоҳининг моддий базаси мустаҳкамланди, мусиқа илмидан сабоқ берувчи малакали мутахассислар фаолияти учун ҳам яхши шароитлар яратилди.


200 ўқувчи санъат сирларини иштиёқ билан ўрганаётган мазкур мактаб жамоаси шаҳардаги маданий тadbирлар, байрамлар фойзини оширишда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Мактабнинг ўнлаб иқтидорли ўқувчилари Республика миқёсидаги фестиваллар, кўрик-танловларда ғолибу совриндор бўлишмоқда.

Ҳалол, самарали хизмат мудом эътироф этилади. Республика Президенти фармони билан санъат фидойиси Одилжон Суннатовга 1995 йили «Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилди. Бу юксак унвон устоз-муаллимни янада руҳлантирди, ижод-изланишни сусайтирмасликка чорлади.





– Аллоҳ инъом этган истеъдоду иқтидорни энг юксак даражага кўтариш ҳам, йўқ қилиб юбориш ҳам ижодкорнинг ўз қўлида, – дейди Одилжон ака, – Изланишдан, машаққатли меҳнатдан бўйин товламаган одам, албатта муваффақиятга эришади. Аслини олганда, меҳнатсеварлик ҳам иқтидорнинг бир шакли. Негаки, бундай хислат барчага ҳам берилавермайди. Санъат эса жонқуярларни хуш кўради, уларни юксакка кўтаради.


Мухтасар қилиб айтганда, тинимсиз меҳнатгина санъаткор ижодини чархлайди. Биз ҳам, ўз навбатида, жонқуяр созанда, фидойи муаллимга бардамлик тилаймиз. ■

*Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Мажидий номидаги
драма театри
бадший кенгаши аъзоси*



“Yoshlar ijod saroyi”da “Fund forum” tashabbusi bilan o‘tkazilgan “Navqiron O‘zbekiston” yoshlar ijodiy ko‘rgazmasidan lavhalar.





Уана ijod haqida

Актёр Бехзод Муҳаммадкаримов ҳақида эшитганимизда, унинг кино ва спектакллардаги бетакрор роллари кўз олдимизда гавдаланиб, ўз-ўзидан жиддийлашамиз. Сабаби, у ижро этган ролларнинг деярли барчаси мукамал асарлардаги жиддий тимсоллардир. Унинг улугвор ва бетакрор овозини эса тез-тез телевизор орқали тинглаб тураемиз. У барча актёрларимиз орзусидаги икки буюк тимсолни — Амир Темури ва Алишер Навоий образларини талкин этган. Унинг ижодидида бир неча йил танаффус кузатишган бўлса-да, ўзининг соғинтирган мухлисларини яна ўша ширали овозио ажойиб роллари билан қувонтиришга астойдил киришиб кетди. Театрдаги янги фаолиятини “Имкон” номли дардли комедиядаги комик роли билан бошлаган ушбу актёр, назаримда, томошабинлар кўз ўнгидида ижодидида бўлган танаффусу ижодидида комик образлар бўлмаганини сездирмасдан, ўз ролини чин юракдан ижро эта олди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Фикримча, ушбу актёрга бошқа таърифнинг ҳожати бўлмаса керак. У билан суҳбатимиз, табиийки, санъат ҳақидаги саволдан бошланди...

– *Санъатга кириб келишингизга ота-онангиз сабабчи эканлар...*

– Актёр бўлишимга отам сабабчилар. Ўзлари адабиёт фани бўйича мутахассислар. Кейинчалик, Ўзбекистон маданий ёдгорликларини сақлаш бўйича иш фаолиятини бошлаганлар, кўплаб рисолалари, асарлари чоп этилган. Табиийки, адабиётчи инсон санъатдан узоқ бўлмайди. Раҳматли онам ҳам журналистика бўйича ўқиганлар ва санъатни жуда яхши кўрар эдилар. Ота-онам ёшлигимиздан бизни мусика мактабига, рассомчилик, драма тўғаракларига олиб бориб, санъаткор бўлишимизни истаган. Бир куни отам “Ўзбек кинофильмига ёш киноактёрларга конкурс эълон қилинган экан, шунга борасанми?”, деб колдилар. Ўша танловга бордим. Шу-шу санъат йўлидаман...

– *Сиз институтда Турғун Азизовдан сабоқ олгансиз. Уларнинг мактаблари сизга қанчалик ёрдам берган?*

– Турғун аканинг кўлларида ўқиганим омадим деб ўйлайман. Улар актёр бўлганликлари учун, фақат назариядан эмас, сахнадаги тажрибаларидан ҳам келиб чиқиб дарс берар эдилар. Бу нарса менга жуда катта ёрдам берган. Ўша йили, айниқса, Турғун аканинг кўлида яхши курс йиғилган эди. Битта курсдан бунча санъаткорлар етишиб чиқши ноёб ҳодиса асли. Масалан, Фотиҳ Жалолов, Фатхулла Маъсудов, Мадина Мухторова, Мирза Холмедов, Абдурайим Абдувахобов, Равшан Жўраев, Саид Мухтор, Ботир Муҳаммадхўжаев. Бир-биримизга қараб ўрганар эдик. Хуллас, Турғун аканинг

кўлларида мана шундай актёрлар билан ўқиганим менинг омадим деб ўйлайман.

– *Биз биламизки, “Оқ бино оқиомлари”да илк марта бош қахрамон ролини ижро этгансиз ва катта муваффақиятга эришгансиз. Шу ҳақда тўхсалсангиз.*

– Ҳа, кичик ролларни ўйнамай туриб, кинодаги биринчи кадамимни шу фильмда бош ролдан бошлаганман. Илгари ёш актёрларнинг кинога кириб келиши қийин бўларди, фильмлар ҳам кам олинарди. Ҳозирги вақтдагидек асосий қахрамонлар ёшлар бўлмасди. Бу фильм сюжети ҳаётдан олинганлиги учун режиссёрнинг мақсади, умуман, экранда кўринмаган актёрларни чиқариб, томошабин ҳаётнинг аксини кўргандек бўлсин, деган мақсади бўлган. Шу сабаб ҳам янги чехраларни бу фильмга чақиришган, бизнинг омадимиз ҳам шунда бўлган. Катта танловда ҳайъат мени танлаган ва мен ўзим яхши кўрган ролларимдан бирини ўйнаганман. Асар жуда яхши эди, агар асар яхши ёзилган бўлса, унинг устида ишлаш кизиқарли бўлади ва ҳар ҳолда ижод маҳсули ёмон чиқмайди.

– *“Бир кошона сирлари” спектаклида гавдалантирган қахрамонингиз билан яқинда театр репертуарига киритилган “Имкон” спектаклида талқин этаётган образингиздаги ўхшашлик ва фарқли томонларни нимада кўрасиз?*

– Ўхшашлиги бор. Ўхшашлиги шундаки, иккала қахрамоннинг ҳам ўз дарди, ғам-ташвишлари бор. У асар драма эди-ю, лекин комедик сахналари ҳам бор эди. Тўғриси айтсам, “Имкон” спектаклидаги образимга ўхшаган рол ижро этмаган эдим. “Бир кошона сирлари”да комик ҳолатлар бўлгани билан, бу ҳолатлар мени ролим билан боғлиқ эмас эди, комик ролларим кам. “Имкон”нинг режиссёри Нодира Маҳмудова мени жуда яхши билади. У билан анча йиллар бирга ишлаганмиз. Мана шу нарса менга ишонч берапти. Бекорга мени танламагандир, ахир, неча йиллик режиссёр. Бунинг эса қанчалик уддасидан чиқаётганим ушбу спектаклни кузатган томошабинга ҳавола.

– *“Имкон” спектаклининг режиссёри Нодира Маҳмудова билан ишлаш сизга қийинчилик тугдирмадими?*

Нодира Маҳмудова билан ишлаш менга янгилик бўлди. Институда Нодира Турғун аканинг биздан кейинги курсида ўқиган, ҳам театрда яхшигина актриса эди. Энди у тажрибали режиссёр бўлибди. Бошида бу спектаклга таклиф қилганида қандай бўлар экан, деб ўйлагандим. Кейинчалик, иш жараёнида мен унинг актёрлар билан ишлашига хайрон колдим. Чунки шундай режиссёрлар бўладикки, ўзининг фикрини тушунтириб беролмайди, актёрни етаклай олмайди. Актёр эса

уни тушунмасдан, ўз фикрида қолган ҳолда режиссёрнинг айтганини қилиб беришга мажбур бўлади. Нодира билан худди профессионал режиссёр билан ишлагандек ишладим. Ишлаш қизиқарли, баҳсларга бой бўлди, рол ижро этаётганимда тушунмовчиликлар бўлса, қаҳрамонимнинг ҳолатини тушунтириб бера олди.

– *Нима деб ўйлайсиз, комик роллар актёр учун қанчалик зарур?*

– Бир хил актёрларда комик роллар яхши чиқади, чунки уларда комедик истара бор, ҳатто ҳаётда кўрганингизда ҳам кулгингиз келади. Уларнинг юзида комедик ёқимтойлик бор. Мисол учун, Абдурайим Абдуваҳобов билан ёшлиқдан бирга катта бўлганмиз, у жиддий гап гапирса ҳам одамлар ҳазиллашяпти, деб куларди, менда эса аксинча, латифа айтиб берсам ҳам жиддий қараб туришар эди. Айрим режиссёрларнинг ўзи бир хил ролларни бериб актёрларни бир қолипга тушириб қўйишади. Бу, айниқса, киноларда кўп учрайди. Битта образни яратган актёрга яна ва яна ўша типдаги образларни бериб актёрни бир чизикка солиб қўйишади. Шунинг учун серкирра актёрлар кучли актёрлар ҳисобланишади.

– *“Амир Темур” фильмининг суратга олиниши ва сизнинг Амир Темур ролига тасдиқланишингиз қандай кечган?*

– Амир Темур шахси ҳақида кино ишланар экан, албатта, кастинг бўлиши керак эди. Бу фильм олинишида иккита режиссёр бўлган: Бако Содиков ва Исамат Эргашев. Бошида Бако Содиков асосий режиссёр эди. Биринчи кастингдан кейин бошқа актёр олинган, сьемкалар бошланиб кетган. Кейинчалик актёрни алмаштириганини ҳам эшитдим. У инсоннинг асл касби санъаткор эмас, балки спортчи экан. Мен энди фильмга олишмайди, деб умидимни узиб юргандим, аммо мени чақириб қолишди.

– *Соҳибқирон образини қанчалик талқин эта олганман деб ўйлайсиз?*

– Биласизми, назаримда, сценарийда Амир Темур образининг қатъиятлилиги керакли даражада кўрсатилмаган. Ҳар ҳолда, шунча жойни қўлга киритган, фақат ҳукмдор эмас, балки моҳир жангчи ҳақидаги киноасар бўлгандан кейин, қандай қилиб унинг қатъиятчилигини кўрсатмаслик мумкин. Уни кўрганда зир титрашлари, хурмат ҳам қилишлари керак. Чунки Темурнинг номини эшитганда йиғлаётган бола йиғидан тўхтаб қолар экан. Алишер Навоий шундай бўлиши мумкин, лекин Темур эмас. Яна бир томони, Худонинг назари тушган одамлиги. Чунки у ўзидан-ўзи шундай бўлиб қолмаган.

– *Сиз Мэлс Абзалов суръатга олган “Ўтган кунлар” асарининг янги талқинида Отабекни ижро этдингиз. Ўлмас Алихўжаев ижро этган Отабекдан сиз талқин этган Отабек образи қайси ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади?*

– Бошида режиссёрга бу фильм муваффақиятли олинганку, мен ўзим бу фильми яхши кўриб томоша қиламан, нима қилдик, яна олиб десам, режиссёр “Иложи бўлса, бу асарни сериал қилиб, романининг ҳаммасини киритиб олиш керак, ҳамма жойи қизиқ”, дедилар. Кейин сценарийни ўқиб чиксам, ҳақиқатан ҳам бошқача. Олдинги фильмда Отабек ва Кумушнинг севиларигагина эътибор қаратилган бўлса, бу фильмда уларнинг ҳаёти, ўзига яраша камчиликлари, оилавий муаммолари, Кумуш билан Зайнабнинг ўзаро муносабатларидаги конфликтлар кўрсатилган. Аввалги фильмда

Кумуш Отабекни рашк қилмайди, кейинги олинганида эса Кумушнинг ҳам кечинмалари кўрсатилган. Ахир бу ҳаёт-ку, ким рашк қилмайди, у ҳам тирик жон, унинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Хуллас, фильм олинди. Унинг атрофида ҳар хил фикрлар билдирилди. Бу табиий ҳол. Холис баҳони томошабин бергани афзал.

– *Дубляжда ҳам самарали фаолият юритгансиз...*

– Бошида шунчаки бориб, овоз бериш жараёнини томоша қилиб, актёрлар ишини ўрганиб, ғала-ғовур, шовқинли жойларига овоз бериб юрардик. Баъзи ролларга овоз бериб кўрай десам, ёшлигимни ҳисобга олиб, руҳсат беришмасди. “Ок бино окшомлари” фильми олинганидан кейин, ўз ролимга ўзим овоз берганман. Ана ўшанда дубляждагилар кўриб, ишлай олишимга ишонишган. Кейин кетма-кет ишлар бошланиб кетган. Демак, 1988 йилдан ҳозиргача овоз бериб келяпман.

– *Демак, ҳозир дубляжда ҳам қайтдингиз?*


– Янги фильмларни овозлаштиришда қатнашяпман, бараварига учта сериалда овоз берапман.

– *Яхши актёр ва севимли актёр. Иккисига ҳам эришиш учун нима қилиш керак?*

– Яхши актёр бўлдими, у севимли ҳам бўлади. Тўғри, таникли бўлмаслиги мумкин. Чунки севимли актёр бошқа, таникли актёр бошқа. Таникли актёр сериалларда ўйнаса, фильмларда ўйнаса ёки бирор кўрсатуви олиб борса, умуман, тез-тез экранларда чиқиб турса, танилаверади. Театрда шундай актёр, актрисалар борки, жудаям кучли аммо, кўпчилик танимайди. Лекин билган одам актёр ёки актриса сифатида севади. Бир тарафдан актёр бўлгандан кейин танилиш ҳам керак, бу касбимиз талаби. Бирор жойга бориб, саҳнага чиққанда томошабин диққатини ўзингизга жалб қилиш, уларнинг сизни эшитиши учун таникли бўлиш ҳам керак. Чунки ҳаёт, психология шундай. Ахир, айтишади-ку, “Кўринишингга қараб кутиб олишади, ақлингга қараб кузатишади”, деб. Шунинг учун таникли бўлиш ҳам керакдир...

– *Ҳозирги кун кино ва театр санъатимиздаги жараёнларга муносабатингиз?*

– Мен биринчи навбатда яхши томонга ўзгариш кўрдим. Кино-театрларга томошабин қайтди, қандайдир янги йўналишлар пайдо бўлиб, ҳатто йўналиш озгина жонга ҳам тегди. Лекин шу сабабли ҳам бошқа йўналишларда ишлашга ҳаракатлар бошланыпти, ҳар ҳолда, бир жойда тўхтаб қолишмаяпти, изланишяпти. Тўғри, ҳозир бачкана фильмлар кўп дейишяпти, аммо орасида яхши-яхши фильмлар ҳам учраяпти. Фильм қанчалик кўп олинса, шунча яхши: рақобат пайдо бўлади, танлов кучаяди, ривожланиш бўлади. Ҳамма касбда



хам ракобат бўлгани яхши, шу қаторда санъатда ҳам соғлом ракобат ижодий юксалишга элтади.

Умуман олиб қараганда, ёмон эмас. Янги, истеъдодли режиссёрлар, операторлар, актёрлар, актрисалар пайдо бўлишяпти. Улар қўлларидан келганча яхши ишлашяпти. Пул ва шароит, томошабин дунёқарашини ҳам рол ўйнайди. Илгари 4-5 та режиссёр бўлар ва фақат шулар кино ишлашар эди. Ҳозир иқтидорли актёрларга ўзини синаб кўришга олдинги қараганда имконият ҳам кенгрок. Шу мени хурсанд қиляпти.

– *Театр репертуари унинг театрлар орасидаги ўрнини ҳам белгилайди. Айнан Миллий театр репертуарида қандай спектакллар бўлиши керак деб ўйлайсиз?*

– Энди мен айнан мана бу спектакл демайман-у, лекин Миллий Академик театр бўлгандан кейин, ҳар хил спектакл бўлиши керак, у жаҳон классикаси, комедия ёки трагедиями, ҳаммаси бўлиши керак. Тўғри, шунга бу театрда ҳаракат ҳам қилинмапти. Масалан, “Алишер Навоий”ни қайта қўйиш ниятлари ҳам бор. Шундай асарлар бўлиши керак. Майли, томошабин учун бошқачарок спектакллар яхшироқ кетади, уларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бироқ ўзбек ва жаҳон классик асарларидан ҳам ойда ҳеч бўлмаса 1-2 марта қўйиб туриш керак. Бу актёрларни чархлаб туриш учун ҳам, томошабин учун ҳам керак. Ахир, классик асарларни кўришни истайдиган томошабинлар ҳам бор-ку. Шунингдек, драматургларимиз яхши пьесалар ёзиб туришса, мен мавзуси ҳақида гапирмайман, мавзуси ҳар хил бўлиши мумкин, ёзилиш маҳорати бор-ку, шунинг ўзига жуда кўп нарса боғлиқ. Етук асарлар бўлса, актёрларнинг ўзи ҳам ишқибозлик билан, жонбозлик кўрсатиб ишлашса, ана шунда, албатта, яхши спектаклларимиз кўпаяди.

– *Режиссёр Аюб Шаҳобиддинов билан янги бир фильмда ишлабсиз...*

– Аюб Шаҳобиддиновнинг ишлаш услуби менга жуда ёқди, кинолари ҳам ёқади. Унинг ўзгача йўналиши бор. Аюб билан “Паризод” деган фильмда бирга ишладик. Яқинда премьераси бўлиб ўтди. Томошабинларга манзур бўлади, деб ўйлайман.

– *Бундан кейинги режиссарингиз?*

– Яна ижод... Мана, ҳозир дубляжда ишлаб турибман, битта фильмда рол ижро этдим, театрда эса яқин кунларда сахна юзини кўрадиган “Имкон” спектаклида рол ижро этапман. Институтда ўқиб юрган вақтимизда курсдошларим билан бирор байрам ёки тадбирларда бир-биримизга тилаклар билдирганимизда, ўқишларни яхши битириб олайлик-да, съёмкадан театрда, театрдан дубляжга, дубляждан радиого бориб, бўш вақтимиз бўлмай, чарчаб юрайлик деб тилардик. Яна худди шундай бўлишини хоҳлайман.


– *Фарзандларингиз ҳақида гапирсангиз, уларни санъат йўлидан кетишига қандай қарайсиз?*

– Катта фарзандим Санъат институтининг режиссёрлик бўлимида 3-курсда ўқияпти. Қизим Архитектура ва курилиш институтида таҳсил оляпти. Мен болаларни мажбур қилмайман, нимага қизикса, қобилятига қараб, имконият яратиб бераман. Чунки киши ўз ишини яхши кўрсагина самара бўлади.

Мен барча фарзандларимизга ўз севган соҳалари билан шуғулланишларининг ва ўз касблари орқали тиниб-тинчимай ишлаб, ватанимиз тараққиётига ўз хиссаларини кўшишларининг тилакдошиман. ■

Камола ИСАХОНОВА сўхбатлашди





Nomoddiy madaniy meros – xalq durdonasi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ижросини таъминлаш мақсадида Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида фольклоршунос олимлар ва мутахассислар иштирокида “Номоддий маданий мерос – халқ дурдонасидир” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Республика “Хунарманд” уюшмаси ҳамда Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли Қарори билан тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ҳақида Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маматкул Жўраев тушунтириш берди. Шунингдек, “Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари ҳамда ижрочилик санъати” ҳақида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам

Абдуллаев, “Жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари ҳамда анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар ҳақида” Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти профессори Ўрозали Тошматов, “Номоддий маданий мерос тарғиботида фольклор санъатининг роли” мавзусида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Саодат Йўлдошевдалар маърузалар қилишди.

Анжуман доирасида Халқ амалий санъати усталарининг ижодий ишлари кўргазмаси, таниқли санъаткорлар, Республика кўрик-танлови ғолиблари ҳамда фольклор-этнографик ансамбллари, бадий хаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. ■

Sahna san'ati

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамда Республика “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида Ўзбек миллий академик драма театрида бадий ўқиш, сахна суҳандонлиги ва конференсьелик санъати ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов “Мустақкам оила йили”га бағишланди.

Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, халқ ижодиёти ва хаваскорлик санъатини ривожлантириш, юртимизда ёшларни бадий ўқиш, сахна суҳандонлиги ва конференсьелик санъатига бўлган қизиқишларини янада ошириш, ушбу жанрларда ижодий фаолият олиб бораётган ижодкорларни кашф этиш ҳамда уларнинг ижодини кенг тарғиб этиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ижросини таъминлашдан иборат.

Иштирокчилар ўз дастурларини:



Бадий ўқиш ижрочилиги йўналиши бўйича – мумтоз шоирларнинг ғазаллари ва замондош муаллифлар томонидан яратилган монолог, дoston, ривоят ва хикоялардан парчаларни бир актёр театри шаклида, сахна суҳандонлиги йўналиши

бўйича – томоша ва концерт дастурларини олиб бориш бўйича ўз сахна маҳоратларини сценарий асосида намойиш этиш, замонавий муаллифларнинг шеърлари, хажвиялари ва бошқа жанрлардан фойдаланган ҳолда конференсьелик санъати ижрочилиги йўналиши бўйича – танловда иштирок этувчи бадий ўқиш ва сахна суҳандонларининг дастурларини асосий олиб боровчиси бўлиб, сатира ва юморга бой сўз усталлиги, икки кишилик миниатюралар, хажвий кўшиқлар ва бошқаларни намойиш этиш билан биргаликда ҳар бир вилоятнинг ўз худудига хос қадимий халқ кўшиқлари, катта ашула, лапар, ўлан, ракс, айтишув, бахшичилик, жирова, ва мавриги ижрочиларини таърифлаб, уларга навбат бериш бўйича маҳоратларини намойиш этдилар.

Қатнашчиларнинг чиқишларини Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Афзал Рафиқов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўреатган артист Насиба Иброҳимова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Рустомова, “Шухрат” медали нишондори Гулчехра Умаровадан иборат Ҳакамлар хайъати аъзолари ижро дастурлари, танланган мавзуларининг ёритилиши, ижро этилаётган асарга мос танланган сахна либослари, сахна маданияти ва ижро маҳоратларига қараб баҳоладилар. Шунингдек, ижрочиларнинг адабий тил меъёрларига амал қилиши, шевалардан фойдаланмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ғолиблар таъсисчиларнинг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совринлари ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. ■

ХОНИМОЙ



IFTIXOR

Ассалому алайкум, ҳурматли “Гулистон” журнали таҳририяти ходимлари ва муштарийлари. Мен Асака туманидаги 39-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси Раиса Ҳазратқулова бўлман. Мен Асакада туғилиб, катта бўлганман. Касбим туфайли вилоят, республика ўқитувчилар семинарларида иштирок этсам, ҳамкасбларим билан танишиб, суҳбатлашсак, дарров Асака шаҳри ҳақида сўрай кетишади. Бу менинг қалбимда ифтихор уйғотади. Бир пайтлар Андижоннинг марказига Асакадан битта автобус қатнар, автобус шаҳарда қолиб кетса, ҳамма аллақерларда сарсон-саргардон бўлиб юрарди. Ўзим ҳам талабалигимда шу қийинчиликлар билан ўқиганман...

Мана, бугун Асакани дунёда саноқли машина саноатига ихтисослашган шаҳарлар қаторида дунё биллади. Бир кунда Асакага кимлар келиб-кетмайди. Асакаликлар ҳам қўли кўксига андижончасига меҳмон кутиб қўяверади.

Аслида ушбу хатни ёзишга мени бошқа бир ифтихор туйғуси чорлади. Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида ҳамқишлоғимиз Содиқжон ака Турдиев Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдилар. Бу хабар ҳар бир ҳамқишлоғимиз кўнглини завққа тўлдирди. Чунки Асакадан иккинчи қаҳрамон чиқди! Ўтган йили Асакадаги автомобил заводи менежери Қосимов Ҳасан ака Ўзбекистон Қаҳрамони бўлганларида ҳам ҳаммамиз бирга қувонганмиз. Асака шаҳри элга кўплаб таниқли инсонларни, фидоий олимларни, ўз касбининг усталарини етказиб берган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан шаҳримизда мисли кўрилмаган янгиликлар содир бўла бошлади. Кўп ўтмай бизнинг шаҳарчамиздан чиқаётган машиналар кўчаларни безади. Асака саноат шаҳарчасига айланди. Мана, бугун Қаҳрамонлар шаҳри бўлиб турибди.

Мен ўқув йилининг дастлабки кунда, дастлабки соатларида ўқувчиларимга Мустақиллик дарси ўта туриб, шулар ҳақида сўзладим. Ўқувчиларимни Ўзбекистон Қаҳрамони “Асака жилоси” фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Турдиев фаолияти билан таништиришга сўз бердим. Шу мақсадда Содиқжон аканикига икки-уч бор қатнадим. Ҳали далага кетган, ҳали марказга кетган... Ниҳоят, шаҳар туриб қаҳрамоннинг уйига йўл олдим. Далага кетаётиб, тугунини тугаётган фермерни учратдим. Улар билан қисқа суҳбатлаша олдим. Ахир, далаларда иш кўп. Фалвирни сувдан кўтариш пайти...

Асли иқтисодчи бўлган Содиқжон ака вақтини ҳам иқтисод қилишни билади. Менинг ўқувчиларим билан далаларда иш енгиллагач учрашишга рози бўлиб, ҳали йигим-терим тугаса, ош қилиб чақираман, деб мулозамат қилишни ҳам унутмадилар.

Биламан, далаларда иш кўп. Беҳуда ўтган бир соат ҳам деҳқонни кечирмайди.

Халқимизда “Ертўйса, элтўйди”, деган нақл бор. Элнинг дастурхонини обод қилаётган деҳқонларимиз, фермерларимиз ҳукуматимизнинг эъзозиди. Тўкин ва фарофон яшаш бахти-завқидан ишга борар эканмиз, бугунги режаларни, қайтар эканмиз, кунимиз сарҳисобини қиламиз. Фарзандларимиз келажакдан кўнглимиз тўқ.

Агар йўлларингиз тушса, Асакага бир келинг. Балки ҳосил байрами, балки янги иш режалари устидаги кенгашига дуч келарсиз. Асакага, қаҳрамонлар шаҳрига, Ўзбекистоннинг автомобил саноати шаҳрига келиб турунг. ■

2012 йил 7-10 сентябр кунлари “Маданият ва санъат кўргазмаси” да ўзбек ва вьетнам халқлари орасида анъанавий дўстлик муносабатлари ва алоқаларини ривожлантириш ҳамда маданий алоқаларни мустахкамлашга қаратилган “Вьетнам — туганмас гўзаллик” фотоқўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Осиёнинг жануби-шарқи марказида жойлашган Вьетнам майдони 331 минг квадрат километр бўлиб, бу юртда 54 миллатли 86 миллиондан зиёд аҳоли яшайди.

Вьетнам табиат мўъжизаларига, маданий ёдгорликларга бой ва буларнинг кўпи ЮНЕСКО томонидан маданий ва табиий мерос сифатида Дунё Туристик хариталарига киритилган.

“Вьетнам — туганмас гўзаллик” кўргазмасида саксондан ортиқ фото тўплам намоиш этилган бўлиб, экспозиция кўргазма катнашчиларини Вьетнам халқи, маданий мерослари, анъанавий фестиваллари, юртининг турли қисмларида яшовчи халқ ҳаёти маданияти ва гўзаллиги билан яқиндан танишишга ёрдам беради. ■



OILA — MUQADDAS DARGOH

Инсон борки, оила тушунчаси бор. Инсон оила билан яхлитланади. Дарҳақиқат, оила — муқаддас даргоҳ. Бу кўрғондаги ҳар бир ғишт машаққат билан кўйилади. Икки ёш уни асраб-авайлаб, кўз-қорачиғидек сақлашни уддалай олса, уларни “бахтли оила” деб аташ мумкин. Бахт эса ўзидан-ўзи келиб қолмайди. Унга машаққат билан эришилади. Аммо ҳали ўсмирлик гаштини суриб юрган фарзандни бундай машаққатга рўпара қилиш...

“Курсдошимиз иккинчи курсда узатилганди. Яқинда фарзандли ҳам бўлибди. Мен ҳам эртарок эрга тегсам бўлар экан” — автобусда бир йўловчи қизнинг телефондаги суҳбати қулоғимга чалинди. Қизнинг фикрига тушунмадим. “Учинчи курсда дарсларга қатнашга қийналмайдим?” ёхуд “Соғлиғи қандай экан?” деган саволлар эмас, балки умуман бошқача фикрда гапириши одамни таажжубга солади. Бахтли турмуш-чи? Қиз бола палаҳмон тоши, бироқ бу уни тезроқ узатиш керак, дегани эмас-ку. Йигитлар ҳам ўқиб, бир ишнинг эгаси бўлмасидан бир оиланинг эгаси бўлишга ошиқишлари одамни ҳайрон қолдиради. Ёш оила бунёд бўлиб, ҳаётнинг оғир-енгилига кўниккунича орадан қанча вақт ўтади? Тўғри улар “синмаслиги” мумкин, аммо оила деган кўрғон дарз кетади. Бунинг ортидан икки томоннинг муносабатлари...

Айрим оналар қизининг уй ишларини “дўндиришини”, шунинг учун яхши жой чикса “ушлаб ўтирмаслигини” бот-бот такрорлайверади. Қиз бола фақат овқат пиширишу уй ишларини эплаши билан бахтли бўлмайди-ку! Ота-она фарзандига ёмонлик

раво кўрмайди, албатта. Бироқ фарзандлари кўнглига, унинг ҳаётини мақсадларига қарасалар бўларди. Қолаверса, юртимизда оилаларнинг бахтли турмушини таъминлаш мақсадида бир неча амалий тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилган, этилмоқда.

Мавзу юзасидан Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ФХДЁ мудираси Дилора Сулаймоновага мурожаат қилдик.

— *Ёшларнинг эрта никоҳ қуриши ҳақида фикрингиз қандай?*

— Бу масала анча йиллар олдин жуда долзарб эди. Бугунги кунга келиб, коллежда ўқийдиган қизларни, анча ёш йигитларни оила қуришга ундаш ҳоллари қамайди. Ўзим ҳам ёшларнинг эрта никоҳга киришига қатъий қаршиман. Чунки, “Таълим тўғрисидаги қонун”га асосан йигит-қизларимиз коллеж ёки лицейларни 19 ёшдан сўнг битиришади. Албатта, 18-19 ёшда никоҳдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эмас, сабаби ҳали ўқишларини битириб, касб-хунар эгаси бўлишлари керак. Фақатгина билим томондан эмас, маънавий, жисмоний томондан ҳам етилмаган бўлишади. Шунинг учун йигит-қизларимиз вояга етганларидан сўнг турмуш қуришларини маслаҳат берамиз. Шу сабабли ёшлар орасида оиланинг муқаддаслиги ҳақида учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— *Ҳозирги кунда кўпроқ қайси ёшдаги йигит-қизлар никоҳ аризасини топширмоқда?*

— Биласизми, ҳар хил. Ишлаб, ўзини тиклаб олиб, 27-28 ёшда уйланаётган йигитлар ҳам учрайди. 22 ёшда турмуш қураётганлар ҳам

бўлади. Лекин ёш уйланаётганлар статистик томондан кўп, деб айта олмайман. Аксар ҳолатларда 20 ёшдан кейин оила қуришмоқда.

— *Баъзида никоҳ ёшига етмасдан туриб, турмуш қуриш ҳолатлари учраб туради. Шайрий никоҳ ўқитиб, фарзандли бўлгачгина ФХДЁ бўлимига келишади...*

— Улар ҳам дастлаб тиббий кўрикдан ўтиб келишлари керак. Соғлиқларини яна бир мартаба текширтириб, сўнгра никоҳларини қайд этамиз. Тарғибот ишларининг натижаси ўларок, бундай ҳолатлар йилдан-йилга қамайиб бормоқда. Шунингдек, диний идоранинг фатволари борки, никоҳ гувоҳномасини кўрмасдан туриб, шайрий никоҳ ўқилмайди.

— *Ёшларимиз неча ёшдан оила қуришлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайсиз?*

— Қизларимиз 20 ёшдан кейин, йигитларимиз эса 21-22 ёшдан сўнг оила қуришса тўғри бўлади. Баъзиларнинг олий таълим муассасаларида ўқиш истаклари бўлади. Ўқиш билан овора бўлиб, оиласига эътиборсизлик қилиши мумкин. Ёхуд оилага эътибор қаратиб, ўқишларидан четлашиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Шунинг учун касб-хунар эгаллаб, жисмоний, маънавий, иқтисодий томондан озгина оёққа туриб, кейин оила курсалар мақсадга мувофиқ. Шунда оила мустаҳкам, туғилаётган фарзандлар соғлом бўлади.

Шу ўринда жамоатчиликнинг фикри билан қизиқдик:

Рустам Файзуллаев:

— 32 ёшимда оилали бўлганман. Шунда қўлимда касбим бор эди.



Тўйдан сўнг қийинчилик бўлмаслиги учун уй ҳам сотиб олгандим. Тўғри, 32 ёш кеч бўлиши мумкин. Лекин рафиқам билан бир-биримизни тушуниб, қийинчиликларни бирга енгиб ўтганмиз. Менимча, тўй қилишдан аввал иқтисодий ҳолатни, турмуш қураётганларнинг ҳам руҳан, ҳам физиологик жиҳатдан тайёр эканликларини билиш лозим. Худога шукр, ҳозир икки фарзанднинг ота-онасимиз. Бахтли яшаймиз.

Эркиной Бекмирзаева (26 ёшида турмушга чиққан):

– Ҳозирги ёшлар негадир эртароқ тўй бўлишга “киришиб” кетганми ёхуд бу билан “рекордлар китобига” киришмоқчимиз, билмадим. Замон ўзгарди, дерсиз? Йўқ, замон ўзгармаган, одамлардаги қараш ўзгарган...

Ҳозир оилам билан бахтли турмуш кечиряпмиз. Фарзандларимизни катта қилишга кўп ҳам қийналмаганман. Уларга оила аталмиш даргоҳни тушуниб етгачгина келин олиб бериш ниятидаман. Тўғриси, хоҳ у йигит бўлсин ёки қиз, ёш оила қуриши нотўғри ҳол. Фақат муҳаббатнинг ўзигина камлик қилади. Сабр-тоқат ҳам талаб этилади.

Ширин (25 ёш, уй бекаси):

– Бувимнинг “Тенги чиқса, текин бер”, деган гапларига амал қилган дадам узоқроқ

бир қариндошимизнинг юзидан ўтолмай, “Ҳали институтда ўқишим керак” деб жанжал қилганимга қарамай, 17 ёшимда ўзимдан атиги бир ёш катта бўлган йигитга унаштириб қўйишган. Бир йил ўтиб тўйимиз бўлди. Ёшимиз ўртасида катта фарқ бўлмагани учунми, эрим билан бир-биримизни тезда тушуниб, кўникиб кетдик. Эрта турмушга чиқиб қийналган томоним – ҳали она бўлишга тайёр бўлмаганим учун бола тарбиясида жуда сезилган. Эсимда, чақалоқ йиғлаганда овутолмай бирга қўшилиб йиғлардим. Қайнонам қаҳри қаттиқ, бунинг устига ишли, олифтароқ аёл бўлганларидан ҳеч нафи тегмасди. Ҳам рўзгор, ҳам бола, бир ёқдан эра, рўзгорга қарашни эплай олмаганимдан икки ойлик чақалогим билан ота уйимга келиб “Қийналиб кетдим” деб йиғлаганман. Шунда катталар маслаҳатлашиб, муаммога чора топишган. Энди билсам, иккала томон ҳам турмушга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак экан.

Нодира Хайдарова (журналист):

– Мактабда ўқиб юрган вақтларимиз бир синфдошимизнинг тўйи бўлган. Ҳали ўн биринчи синфда ўқирдик. Келиннинг ёшини ўйлаб кўринг, ҳали жуда ёш. Тўйга боришимизни ҳам, бормаслигимизни

ҳам билмаймиз. Аммо бир-икки синфдошлар билан борганмиз. Баъзи бир синфдошларимизни ота-онаси юборишмаган. Сабаби, қиз эрта турмушга чиқяпти, бу нотўғри, деб. Қиз ҳам ота-онаси раъйи билан турмушга чиққан эди. Кейинчалик икки фарзандли бўлишди. Бироқ якунда икки ёш бир-бири билан “келиша олмай” ажрашиб кетди. Синфдошим икки фарзанд билан қолди, болаларнинг отаси эса бошқага уйланди.

Бир кўшимиз ҳам ўғлини 18 ёшида уйлантирганди. Тўйдан аввал ҳамма “Ўн саккиз ёшли болани қандай уйлантиряпсан? У ҳали бола-ку!”, дея бунга қарши бўлди. Қиз ўшанда 17 ёшда эди. Аммо тақдирни қарангки, улар ҳозир уч фарзанднинг ота-онаси бўлиб, бахтли яшайди. Аммо бунақалар жуда кам.

Шерзод:

– Уйланганимга бир йил бўлди. Бошида яхши яшагандек бўлдим. Кейин хотинимнинг баъзи бир “хур-мача қилиқлари” борлигини сеза бошладим. Яхшилаб билмасдан туриб, тезда оила қурганимга афсусланапман. Нима қилишни билмай қолдим. Характери худди ёш боланикига ўхшайди. Менинг ёшим 25 да, рафиқам эса 19 га кирган. Балки ўртаимиздаги 6 ёшлик фарқ бунга сабаб бўлаётгандир. 20-21 ёшга кирган қизга уйланганимда бундай бўлмасмиди?

Бу мавзу кимлагадир эриш туюлар, баъзилар эса “онлани бунёд қиладиганлар паст-баландини ўзлари ҳал қилишади”, дейишар. Бироқ эрта оила қуриб, охир-оқибат турмушидан ажрашаётганларнинг тақдири-чи? Ўша “Кўзим тирик-лигида набира кўриб, унинг ҳам орзу-хавасини қилиб олай”, деган ота-она боласининг чил-чил синган кўнгили ойнасини кайтадан бутлаб бера олармикин? Мақсадимиз, бунёд бўладиган ҳар бир оила пойдеворидан бошлаб мустаҳкам бўлсин. Зеро, бахтли оила – юртимизнинг фаровон келажагида муҳим ўрин тутувчи бўгин эканлигини унутмаслик лозим. ■


Улугбек РАҲМОНҚУЛОВ



“Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан”.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикасининг футбол бўйича Ўсмирлар терма жамоаси Эронда бўлиб ўтган футбол мусобақасида ажойиб ўйин намойиш этиб, Осиё чемпионлигини қўлга киритишди. Бу юртимизда спортга, жумладан, футболга кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавобдир аслида. Навбат жаҳон чемпионатига! Кейинги мусобақаларда ҳам футболчиларимизга галаба ёр бўлишини тилаймиз!





UMRLAR BO'LADIKI

Мухтор Ашрафий... Йирик жамоат арбоби, буюк бастакор, Ўзбекистон халқ артисти, республика ва халқаро мукофотлар совриндори, дирижёр ва севимли устоз. Мухтор Ашрафий XX аср ўзбек мусиқа маданиятига ўзининг опера, мусикали драма, балет, симфоник, вокал симфоник, камер чолғу ҳамда кўшиқ ва романс жанрларида яратган мусиқий асарлари билан катта хисса қўшган.

Яқинда Мухтор Ашрафийнинг 100 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Давлат консерваториясида хотира кечаси бўлиб ўтди. Хотира кечаси дастурида ўзбек композиторлари М. Бафоев, О. Абдуллаева, А. Ҳасанов ва Х. Ҳасановаларнинг асарларидан фойдаланилди. Ушбу хотира концертида буюк бастакорнинг энг машҳур мусиқа асарлари асосида яратилган янги асарлар жаранг сочди. Хотира кечаси иштирокчилари композиторларнинг янги асарларида Мухтор Ашрафийнинг мусиқий фалсафасига хос хусусиятлари сақлангани ва унинг анъаналари давом эттирилганига гувоҳ бўлдилар.

Мусиқа илмининг билимдони 1912 йилда Бухоро шаҳрида санъаткорлар оиласида туғилган. У мактабда ўқиб юрганидаёқ ўнта тилни ўрганишга муваффақ бўлди. Болалик чоғларидан мусиқага ошно бўлди. Чунки бунга унинг отаси Ашрафжон хофизнинг таниқли бастакор, кўшиқчи, созанда эканлиги ҳам сабабчи эди. Отаси унинг биринчи устози бўлиб, миллий созларимизни қандай чалишни ўргатган эди. Авлоддан авлодга ўтиб келган оилавий ёдгорликлар, дутор ва танбур бугунги кунда Мухтор Ашрафий уй-музейида асраб-авайланмоқда. Унинг туғилган кунига бағишланган кечаларда ёш созандалар ушбу созларда куйлар чалиб, уни хотирламоқдалар.

Мухтор Ашрафий 12 ёшида Абдурауф Фитрат томонидан ташкил этилган Шарқ мусиқа мактабига ўқишга киради ва мақом устозларидан сабоқ олади. 1928 йилда эса Самарқанд шаҳрида очилган Ўзбекистон Мусиқа ва хореография институтига биринчилар қаторида ўқишга киради. Талабалик давридаёқ у Бухоро халқ кўшиқларини

Миллий бастакорлик мактаби шаклланишининг илк давридаги чолғу мусикасида мазмун муаммоси ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё халқларининг бадий тафаккури ўзига хос аниқлик билан фаркланади. У орнаментдек мавҳум санъатда шундай аниқликни топадики, унда элемент-рамзлар ҳаётий тасаввурлар воситасида англанади. Мусиқий образларнинг бундай аниқлиги дастурли мусиқанинг кенг тарқалишига туртки беради. Дастурийлик нуктаи назаридан бастакорлик ижодига кўз ташлаганда, биз бастакорлик ижодиётининг ўзигагина тегишли анъаналарни инobatга олмасдан, балки мусиқий фольклор ва оғзаки анъанавий профессионал мусикадаги дастурийликнинг дастлабки шарт-шароитлари ва белгиларини ҳам инobatга олмоғимиз даркор. XVII аср мусиқачилари ҳам маълум бир гоёни тушунтириш, аниқлашга ҳаракат қилишган. Бизгача Барбаднинг аниқ бир дастурийликни ифодаловчи асарларигина эмас балки “Чошгоҳ”, “Чўққи устидаги ой”, “Тун гуллари”, “Саодатли тун”, “Сиёв-уш учун қасос” каби туркум асарлари ҳам етиб келган.

Оғзаки анъанадаги профессионал мусикадаги илғор жанрларнинг шаклланиши фольклор анъанаси ўзагида ёки асосида ўсди, ундаги шакллар доираси ва мазмунларни ўзига сингдирди.

Шунга қарамасдан, мақомлар, уларнинг таркибий

қисмлари ва бўлимларининг араб ва форсий номлар билан аталиши, уларнинг этимологияси кенг доирадаги ижрочи-мусиқачилар диққатидан четда қолган. И. Ражабовнинг таъкидлашича, мақом номларининг маъноси қуйидагича: “Наво” – куй, эзгин куй маъносини англатса, “Рост” мақоми XVI-XVII аср мусиқий рисоаларида – мос келувчи, хос бўлган деб таржима қилинади, “Ирок” мақоми – мамлакат номи, “Бузрук” мақоми эса қатга, маҳобатли маъноларини билдиради.

X-XII аср рисоаларига кўра, мақомлар кучли эмоционал таъсир кучига эгадир. Шу сабабли ҳам улар кенг доирага ўз таъсирини ўтказади. “Наво” мақоми жасоратга чорлайди, “Рост” ва “Ирок” мақомида қувонч, хушчақчақликни, “Бузрук” мақомида эса қайғу, “Дугоҳ”да қувонч ва қайғу қоришиғини сезишимиз мумкин.

Шарқнинг шеърий ҳамда анъанавий мусиқа санъати мазмун нуктаи назаридан бир турда ва бир матндан иккинчисига ўзгартиришларсиз кўчувчидир. Бах даври эстетикаси ўтиб кетди, бароккога оид рамзлар замонавий тингловчи учун ўзининг аниқ маъносини йўқотган. Замонавий тингловчи буюк бастакор мусикасини фалсафий-умумлашма тарзида тушунади, лекин у томондан қўлланилган белги-рамзлар аҳамияти уйғониб муаллиф гоёсини чуқурлаштириши ёки аниқлаши лозим.

нотага солади. У устозларидан сабоқ ва ўрнак олди, бастакорлик ва ижрочилик камолоти сари интилди. Институтни тамомлагач, 1931-1934 йилларда Ўзбекистон давлат мусикали театрида бадий раҳбар ва бош дирижёр вазифасида ишлади. Ўз малакасини ошириш мақсадида ижодкор 1934-37 йилларда Ўзбек опера студиясида атоқли композитор, профессор С. Василенкодан сабоқ олади ва айнан у билан ҳамкорликда ўзининг машҳур “Бўрон” (1939) ҳамда “Улуғ канал” (1941) операларини ёзди. 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлигида М. Ашрафий дирижёр ва мусика раҳбари сифатида фаол қатнашди ва ўша йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвонига муносиб кўрилди.

Мухтор Ашрафий бир неча йил мобайнида Алишер Навоий номидаги Академик катта опера ва балет театри симфоник оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлади. Созанданинг фарзанди Феруз Ашрафийнинг эслашларича, ушбу театр барпо этилаётган кезларда у машҳур архитектор, академик А.Шусевга оркестр турадиган жойни кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини исботлай олган экан. Натижада партернинг икки қатори олиб ташланган экан.

Ашрафий мусиканинг ҳар хил жанр ва шаклларида ижод қилиб, кўп асарлар яратди. Дирижёрлик фаолияти орқали у узоқ йиллар давомида ўзбек, Европа ва рус классик композиторларининг опера, балет ҳамда симфоник асарларини тарғиб қилди. Ўзбекистон мусика санъатининг хорижда ўтказиладиган декада ва мусика фестивалларида, кўшиқ байрамларида, турли танлов концертларида қатнашди. Санъат оламининг кўпчилиги вакиллари унинг

“Аршин мол-олон” опереттаси муаллифи, озарбойжонлик Узеир Ҳажибеков ва кўплаб ҳақиқий халқ мулкига айланган машҳур кўшиқлар ижодкори Тофик Қулиев билан ижодий ҳамкорлигини яхши биладилар. “Муқаддас мусикага муҳаббат” миллий опера ва балет новаторини кўплаб европалик мусика билимдонлари билан боғлади. Унинг “Дилором” ва “Шоир қалби” опералари хорижлик мусика шинавандаларига ҳам манзур бўлди.

Мухтор Ашрафий 30 йилдан ортик умрини республика мусика маданиятига ёш мутахассислар етиштириб бериш йўлида сарфлади. У ўзининг педагогик фаолиятини 1943 йилда консерваторияда дарс беришдан бошлади ва ректор лавозимига кўтарилди. Дирижёрнинг энг муҳим ишларидан бири Консерватория қошида опера класслари базасида опера студияси ташкил этганидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мухтор Ашрафий “Бўрон”, “Улуғ канал”, “Дилором”, “Шоир қалби” опералари, “Севги тумори”, “Темурмалик”, “Матонат”, “Муҳаббат ва қилич” балетлари, симфоник оркестр учун ёзилган “Қурилиш”, “Қахрамонлик” асарлари, “Бахт кўшиғи” кантатаси ва бошқа кўплаб ижодий намуналари билан ўзига ҳайкал қўйган инсондир десак муболаға эмас. Бугунги кунда ҳам мусикий олийгоҳларда унинг асарларини ёшлар чанқоклик билан ўрганишмоқда. ■

Дилноз КОМИЛОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси



Bastakorlik ijodiyoti va an'anaviy san'at

Маълумки, Шашмақомнинг вокал бўлимидан асосий тўрта шўъба муким бир образли характерга эгадир: “Сарахбор” таржима қилинганда “сар” — асосий (бош), “ахбор” — ахборот, хабар. Унинг учун маҳобатлилиқ, тантанаворлик хосдир. “Талкин” — ифодаламоқ, талкин қилмоқ, ундамоқ — жонланган, талабчан, нозик кўй билан ажралиб туради. “Наср” — чуқур ички фикр, лирика. “Уфор” — ракс, финал вазифасини бажаради — жонли куй, ҳаракатчанликка эгадир. Каноник дастурийликнинг бундай турини олти мақом номларида ҳам кўришимиз мумкин (юқорида таъкидлангани

дек) Улардаги эмоционал созланиш бир қатор оҳанг — лад воситасида рамзларни ифодалайди. Шунга кўра, мақомлар устаси маълум бир ладга созланади. Шунинг учун ўзбек мусикасидаги дастурийликни ўрганганда ўзига хос анъаналарни инобатга олмоқ лозим. ■

Наталья НАМ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси



“Oltin gepard”

Санъат ўз номидан келиб чикиб, одамларга завқ улашади, маълум вақт ораллигида ўзга бир олам оғушида бўлиш имконини беради. Кино ҳам санъатнинг бир тури сифатида кенг имкониятли ва мухлислари ҳам нисбатан мўл жанрдир. Қасб тақазосига кўра, қайси киномухтаassis билан суҳбатлашмайлик, бугунги кун барча соҳалар сингари кино соҳаси учун ҳам ижобий ўзгаришлар даври эканини таъкидлайди. Буни студияларнинг кўплиги, ранг-баранг афишалар, тез-тез ўтказилаётган премьералар ҳам кўрсатиб турибди. Бироқ санъат даражаси бошқа. У ўз ижодкоридан кўп жиҳатларни талаб қилади. Чуқур мушоҳадаларга бой сценарий, истеъдодли актёрлар ансамбли, “қозонда бори”ни олиб чиқа оладиган режиссёр... Энг муҳими, ҳаммасида маҳорат, истеъдод, билим, малака ва фақат кино санъати талаб қиладиган кўп нарсалар мужассам бўлиши керак.

Сўнгги йилларда кинонинг ҳам тижорий, қисқа, сериал, қассабоп сингари турлари кўпайди. Табиийки, улар агрофида ҳар хил фикрлар ҳам бўлди.

Энди бизнинг юртимиз кино санъатининг халқаро кўриги “Олтин гепард” танловига мезбонлик қила бошлади. Бу киноларнинг саралари беллашадиган, тажриба алмашинадиган, дўстлик ва ҳамкорлик майдони бўлди. Биринчи “Олтин гепард” халқаро кинофоруми 2011 йил 19-25 октябр кунлари “Art Week Style.uz” ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган эди. Бу йил ҳам “Олтин гепард” халқаро кинофоруми ўз ишини муваффақиятли олиб борди. Халқаро кинофорумнинг навбатдаги анжумани 30 сентябрдан 5 октябрга қадар давом этди. Мазкур кинофорумда Осиё, Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг элликка яқин мамлакатидан 500 дан зиёд тўлиқ ва қисқа метражли, анимацион картиналар тақдим этилди. Уларнинг ўттиз учтаси кинофорум доирасидаги асосий танлов учун саралаб олинди.

Кино байрами доирасида мазкур фильмлар пойтахтдаги Ёшлар ижод саройи, “City Makon” маданий-маърифий кўнгилочар маркази, “Premier-Hall” кинотеатрида мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, анжуманлар доирасида таникли кинопродюсер Георгий Малков, оператор Томас Маух ҳамда кинотанқидчи Ганс Шлегель каби ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Танловдан ташқари дастурда “Жасур” ва “Энди дадам бўйдоқ” номли иккита ўзбек фильми, шунингдек, француз режиссёри Жак Таттининг ретро йўналишдаги “Юло жанобларининг таътиллари” (Каникулы господина Юло) номли картинаси тақдим этилди.

Анимацион кинонинг биринчи танлов намоишида режиссер Алириз Читазийнинг “Қизил қаламнинг қатта ҳаёти” (Эрон, 2012); режиссёр Велико Поповичининг «Dove sei, amog mio» (Хорватия, 2011); режиссёр Фабио Фридлининг “Ок йўл” (Швейцария, 2011); режиссёр Филип Посивачининг “Ёркин овозлар” (Чехия, 2011) ҳамда режиссёр Афарин Эгбалнинг

“Бувилар” (Буюкбритания, 2011) фильмлари иштирок этди.

Ундан сўнг эса қисқа метражли фильмлар намоиши бўлиб ўтди. Дастурда “Пинхона уйғунлик ошкоралиқдан кучлирок” номли бу йилги кинофорум мавзусидаги масалалар ёритилган Озарбайжон, Украина, Туркия, Польша, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон фильмлари маълум қилинди. Режиссёр Фариз Аҳмедовнинг “Маяк” (Маёк) фильмида бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бўлган гиёҳвандлик мавзусига тўхталиб ўтилган (Озарбайжон, 2012). Фильм ижодкорлар муаммонинг жиддийлигини очишга ва кўрсатиб беришга ҳаракат қилишган.

Тўлиқ метражли кино танлов дастури намоишига режиссёр Панарбахода “Қиз...Ота...Қиз” (Эрон, 2011), Феликс Фалькнинг “Иоанна” (Польша, 2011), Жо Мин Хуажининг “Горизонт” (Хитой, 2011), Иштвана Сабо исмли жаҳонга таникли венгер режиссёрининг венгр-герман ҳамкорлигидаги “Эшик” тасмаси киритилди.

Кинофорумнинг ўқув қисми таркиби таникли кинотанқидчи, кино назариячиси ва тарихчиси Ханс Шлегел билан Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтидаги ижодий учрашув тарзида давом этди. Словакия санъат академиясининг махсус вакили, Биринчи “Олтин гепард” кинофорумининг ҳакамлар ҳайъати аъзоси кино оламидаги йўналишлар, хис этаётган мавжуд ҳақиқатларини ва ўз тажрибаси билан ўртоқлашишдан мамнун бўлди. Суҳбат якунида томошабинларга илмий тажрибага асосланган кинематография вакили, чех кинорежиссёри Ян Шванкамайернинг 1971 йилги “Бармалгот” мультипликацион фильми намоиш қилинди.

Кинофорум кунларида Филипп Бергсон (Буюк Британия) ва Менахем Голан (Исроил) иштирокида матубот анжумани бўлиб ўтди. Филипп Бергсон – “Олтин гепард-2012” кинофорумининг ҳакамлар ҳайъати аъзоси, ФИПРЕССИ аъзоси, филология ўқитувчиси, журналист, публицист, Оксфорд кинофестивалининг асосчиси. Менахем Голан – продюсер, Шерон Стоун ва Жан-Клод Ван Дамм каби голливуд юлдузларини дунёга танитган. У Шон Коннери, Сильвестр Сталлоне, Чак Норрис, Чарльз Бронсонлар суратга тушган фильмларга продюсерлик қилган. Шу билан бирга Менахем Голан 300 дан ортиқ фильмларни суратга олган режиссёр ва Канн кинофестивалининг ҳакамлар ҳайъати аъзоси ҳисобланади.

Конференцияда иштирокчилар фаолиятига оид бўлган масалалар муҳокама қилинди, шу билан бирга замонавий кино муаммоларига тўхталиб ўтилди. Европада бўлгани каби ёш кинорежисёрларга қўмақ фондини ташкил этиш таклифи киритилди. Бу ўзбек фильмларини жаҳон миқёсига олиб чиқишга ҳамда кино саноати даражасини кўтаришга ёрдам беради.

“Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофорумига Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган режиссёр Тейлор

Кеннеди ўзининг актёр ва режиссёр дўсти Дэвид Ханинсон билан 2 октябрь куни Ўзбекистон Давлат маданият ва санъат институтида “Режиссура макони” мавзусида маҳорат дарси ўтказишди. Иштирокчилар киноминг тижоратлашгани мавзусида баҳслашишиб, яхши сценарий яратиш ва уни экранлаштириш ҳуқуқини сотиш тўғрисида саволлар беришди.

Иккинчи маҳорат дарсини Ўзбекистонда кинофорумни иккинчи бор кўришга келган америкалик актёр Матиас Хьюз олиб борди. Унда кино жанрлари, Голливуддаги тасвирга олиш, орзулар ҳақида гапирилди. Матиас юзидаги табассумини бир зум бўлса-да ўзгартирмай, саволларга мамнуният билан жавоб берди.

Шунингдек, Ёшлар ижод саройида бешта фильмдан “Айтсам, ишонмайсизлар” (Ўзбекистон, 2011), (“Фламинго ифтихори”) (Германия, 2011), “Назар” (Швейцария, 2011), “Варшава геттосида етти минут” (Дания, 2012), “Катаклизм-Потоп” (Россия-Украина-Кипр, 2012) иборат анимацион киноларнинг танлов дастури якунланди.

Нодавлат студияларда яратилган “Томошабинлар билан бир макомда” хаваскорлар фильмлари миллий фестивалида оиланинг ҳар бир инсон ҳаётида энг муҳимлиги ҳамда боланинг бегонаси бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтган Рустам Саъдиевнинг “Ўғай она” фильми гала-премераси тақдим этилди.

Ўзбек режиссёри Ёлкин Тўйчиевнинг Афғонистондаги уруш оқибатлари ҳақидаги “Жимжит уй”, испаниялик Артур Дуэньяснинг ҳаёт ва саҳнадаги хаваскорлар ҳақидаги “Хаваскорлар”, Роландо Коллиннинг биринчи муҳаббат ҳақидаги швейцарча-итальянча картинаси ҳамда болгар Константин Божановнинг икки инсоннинг тасодифий бўлмаган учрашуви ҳақидаги “Аве” фильмлари кинофорумнинг учинчи кундаги тўлиқ метражли киноларнинг танлов дастурини ташкил этди.

“Олтин Гепард” Тошкент кинофоруми доирасида “Замонавий кино санъати: макон, замон, кўнгил” мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда ёш кино мутахассислари учун режиссура ва монтаж бўйича маърузалар, баҳс-мунозаралар, қизиқарли маҳорат дарслари, пойтахтимизнинг йирик кинозалларида кўплаб томошабинларни тўплаётган танлов доирасидаги иккита ва танловдан ташқари учта тўлиқ метражли фильмлар намоиши ташкил этилди.

Илмий анжуманда кинофорум ҳайъати аъзолари ва меҳмонлари, ўзбек кинематографияси вакиллари, санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Анжуман икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Ўзбекистон (Нигора Каримова), Германия (Ганс Шлегел), Буюк Британия (Ник Пауэлл ҳамда Филипп Бергсон), Корея (Хон Сан У) мамлакатларининг кино соҳаси мутахассислари томонидан тайёрланган таҳлилий маърузалар тингланди. Иккинчи қисмида эса кинематографияда миллийлик ва глобаллашув, хусусий ва арт-хаус киноминг хусусиятлари, шунингдек, кинода миллий ҳамда этномаданият масалалари борасида мунозара олиб борилди.

Замонавий кино муаммолари ҳақида сўз борар экан, анжуман иштирокчилари ёш, фаолиятини энди бошлаётган режиссёрларга кўмак бериш кераклигини таъкидлашди. Бугунги кунда сифатли кино маҳсулотини яратишда қийинчиликлар туғилмоқда. Илмий анжуман ташкилотчилари ва иштирокчилари муваффақиятли фильм яратишининг

муҳим қирралари бўйича хулосаларга келишди: биринчидан, томошабинни тўғри қизиқтириш зарур, иккинчидан, қахрамонга қандай характерга эга бўлишдан қатъи назар, ҳаққоний урғу бериш лозим. Асосийси, қахрамон “тирик” ва “жонли” бўлсин.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кинофорум меҳмонлари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. Испаниялик режиссёр Артуро Эрреро, АҚШдан ташриф буюрган таникли монтаж устаси Кристофер Белл талабаларга ўз маҳорат сирларини улашишди.

Танлов доирасидаги тўлиқ метражли фильмлар дастурида Виктор Шамировнинг “Мана, менга нима бўлаяпти” (Россия, 2012) ва Тацуя Ямамотанинг “Қиёмат дўкони” (Япония, 2012) фильмлари намоиш этилди.

“Олтин гепард” кинофорумининг танловдан ташқари дастурида ўзбек режиссёрлари Саид Мухторовнинг “Оқпадар”, Аюб Шаҳобиддиновнинг “Кечиккан ҳаёт” фильмлари тақдим этилган гала-премьералар бўлиб ўтди. Ўтган асрнинг энг яхши комедик фильми Жак Татнининг “Ўйин-қулги вақти”(1967) картинаси эса кинофорумга французча кўрк бағишлади.

“Олтин гепард” Тошкент халқаро кинофоруми ҳайъат аъзоларининг баҳс-мунозараларига бой бўлди, чунки танлов дастуридан жой олган барча намоишлар якунланди.

Тўлиқ метражли кинофильмлар танловининг охири кунда Аюб Шаҳобиддиновнинг “Паризод” фильми ва хиндистонлик режиссёр Ашиш Шукланнинг “Прага” картинаси намоиш этилди.

Замонавий ўзбек кинематографиясига бағишланган танловдан ташқари дастур ҳам ўз ниҳоясига етди. Унда режиссёр М. Абдухолиқовнинг “Ўргимчак тўри” ва режиссёр Т. Мансуровнинг “О, Марям, Марям” фильмлари намоишлари бўлиб ўтди. Ушбу йўналиш бўйича 5 кун ичида жами 9 та замонавий ўзбек фильми намоиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат маданият ва санъат институтида россиялик таникли аниматор Олег Ужинов иштирокида “Анимация. Янги худудлар” мавзусида маҳорат дарси бўлиб ўтди. Унда “Анимакорд” Москва анимация студиясининг бутун фаолияти тақдим этилган видеороликлар намоиш этилди.

Кинофорумда хорватиялик режиссёр Велико Поповичнинг “Муҳаббат тарихи” (“Dove sei, amor mio”) фильми – “Энг яхши анимацион фильм учун” номинациясида;

Эронлик режиссёр Сайфулла Самадиёвнинг “Беш қиска ходиса” фильми – “Энг яхши қиска метражли фильм учун” номинациясида;

Актёр Ованес Торосян режиссёр Константин Божановнинг “Аве” фильмидаги роли учун (Болгария) – “Энг яхши эркак роли” номинациясида;

Актриса Урсула Грабовска режиссёр Феликс Фалькнинг “Иоанна” бадий фильмидаги роли учун (Польша) – “Энг яхши аёл роли” номинациясида;

Режиссёр Роландо Колла “Ёзги ўйинлар” фильми учун (Швейцария-Италия) – “Энг яхши режиссура” номинациясида;

Польшалик режиссёр Феликс Фалькнинг “Иоанна” картинаси – “Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Ғолибларга дипломлар ва махсус статуэткалар топширилди. ■

Манба: www.fundforum.uz



(хикоя)

Musavvir

Унинг кўзлари чиройли эди.

Сочи қора. Юзи қорамағиз. Худди офтобда пишгандек кўринарди. Кўзлари эса, мовиймиди-ей...

Ҳа-ха, мовийроққа ўхшарди. Ўт чакнаб турарди ундан. Қарашининг ўзи ҳар қандай юракни беҳаловат қиларди. Ёмонлигидан эмас, яхшилигидан. Эхтиросга тўла эди у кўзлар. Буни тасвирлаш қийин. Лекин ҳарҳолда мовийроқ, мовий эмасди.

Унинг суратини чизишга кўп ҳаракат қилиб кўрди. Бариси – юзи, қоши, сочи доимо ўзи ўйлагандек чиқарди. Фақат кўзлари, унинг кўзларини тасвирлашга нимадир етишмасди. Сирли эди улар. Ҳатто бисотида борки бўёқлардан кўзларининг рангини чиқариб бўлмасди. Бугун қанча ҳаракат қилмасин? буни эпловмади. Туни билан ишлади. Бирок ўзи истаган, қалби хоҳлаётган рангни топа олмади. Бироз осмонга – юлдузларга термулиб излади. Ниманидир топганга ўхшади. Фақат у рангни, у чизгиларни эмас. Минг бор хаёлан киёфасини кўз ўнгига келтирди. Барибир удалай олмади. Кўзларини, унинг қорачиғларини аниқ эслолмади. Яна бир бор кўрмаса бўлмайди. Уни унутган. Унутгани аниқ. Айниқса, кўзларини. Уч йил бўлди кўрмаганига ахир... Кўз олдига келтира олмапти. Кўрмасдан чизолмайди.

Хонага ширин, кўнгилларни хушловчи шабада кирди. Дераза пардаси бир кимирлаб жойига қайтди. Гўё унинг ёнига кимдир киргандай бўлди. Тонг яқин. Хонадаги сукунатни “чик-чик, чик-чик”лаган товуш бузади. Соат – унинг сўфиси деганларича бор. Вақт ўтишидан дарак бериб одамни хушёр торгизиб туради. Қизиқ, соат неча бўлдийкин?.. – хаёлидан ўтказди у. Бутун уйда бешта соат бор. Бири ётоқхонадаги тақкурсида, бири иш

столи устида, учтаси эса деворга осиглик. Ҳаммаси бири-биридан фарқ қилади. Уларнинг қайси бири тўғрилигини билмайди. Ҳар қалай рўпарасидаги девордагига қарагани маъқул. Йигирмата кам тўрт. Ёнидаги, столдагиси беш дақиқа олдин. Уни спортчи дўсти совға қилган. Доим илгарилаб кетади. Хориждан келтирилган. Шаҳардаги уста соатсозларга созлатган. Барибир тўғриланмади.

Қолган учтаси неча бўлган экан? Бориб кўрсамикин?.. Нима фарқи бор. Тахминан вақтни билди-ку! Ўзи дунёдаги соатларнинг ҳаммаси ҳар хил. Унда аниқ вақтни билгиси келса барисини солиштиришга тўғри келади. Ғарбда соат неча, шимолда неча?.. Нариги хоналарга чиқишга эриниб турибди-ку! Билмагани маъқул. Шусиз ҳам яшаса бўлади. Бироз чалғиди, ўзини унутди. Ҳамиша шунақа. Вақт фақат чалғитади. Ҳаммани гаранг қилади ёки бир лаҳзада нариги дунёга олиб кетади. Вақт шундай ваҳший. Ҳеч нимани, ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Уни дўсти йўқ. Ушлаб турадиган куч ҳам. Фақат олдинга, олдинга илгарилайди. О, қанийди бардоши етса-ю, уйдаги ҳамма соатларни олиб чиқиб кўчага отса. Вақт бироз тўхтаса. Ёки уни орқага қайтаришни иложи бўлса-да. Йўқ бўлмайди.

Бугун кундузи у билан учрашади. Каердалигини билади. Шаҳарнинг четидаги уйда. Аник ўша жойда. Уни бошқа борар манзили йўк. Яқинларининг бари юз ўгиришган. Дўстлари ташлаб кетишган. У ожиза, у... Узокрокка кетишга курби етмайди унинг. Тезрок тонг ота қолсайди. Энди куёшни кўргиси келяпти. Унинг тафтига бироз тоблангиси бор. Шунақа, туни билан совқотди. Тонг шамоли жунжиктирди. Кимнингдир пинжида эркалангиси, оёқларини кучиб, силаб эркалагиси келди. Кўзини уйку босганди. Ширин хаёллар осмону фалакка олиб чиқиб, элитди. Бироз мизгиди. Тушида севгилисини кўрди. Ўзи ўйлаганидек унинг висолига етгану, мафтункор кўзларига қараб-қараб тўймасмиш. Севгилиси хандон отиб куларкану, бирданига гўзал юзлари ялмоғизникига ўхшаб ўзгараркан. “Ол-а, тушга нималар кирмайди”, деди ўзига ўзи уйғониб кетиб. Куёш нурлари кўзларини олиб, чизаётган расми ҳам худди тушида кўрганидек алланечук бир қиёфа касб этиб кетди.

– Ё алхазар, ё алхазар. Астаффурулло, астаффурулло! – деб юборди хайратидан.

Ўрнидан туриб ювиниш хонасига борди. Юзларига муздек сув сепди. Бир сесканиб ўзига келди. Сўнг нонушта тайёрлашга чоғланди-ю, қўли бормади. Яхшиси, кўчага чиқиб муюлишдаги чойхонада енгилгина у-бу еб тамади қила қолади. У ерда ҳар куни янги қаймоқ бўлади. Яна иссиқкина гижда нон ёпилади. Борди. Чойхоначи уни илик кутиб олди. Дарров олдига бир чойнак чой билан тандирдан эндигина узилган нон олиб келиб қўйди. Таниш хид... Худди онасининг ўзи тандирдан энди узиб олдига қўйгандек димоғини эркалади. Болалигини эслатди.

Бироздан кейин чойхоначи лапанглаб, эҳтиёткорлик билан кўтариб сопол косада янги қаймоқ келтирди. Унинг кўзлари қувнаб кетди. Иштаҳаси очилди. Чойнак, пиёла, косадан бошқа чойхоначи олиб келган бари нарсаларни паққос туширди. Қорни тўйиб лаззатланди. Вужудида қандайдир тин тўйди. Роҳатбахш шабада юзларини силаб ўтди. Туни билан танасини босиб турган чарқокдан асар ҳам қолмади. Тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас олди. Олдига чойхоначи келди. Унинг елкасида сочик, қўллари кўксиди, тавозе билан турарди. У бу лаззатларга ҳақ тўлаши керак эди. Уларнинг ҳаммаси атига бир пул. Дунёда энг арзон нарса бу лаззатланиш, завқланиш бўлса керак. Қувончга хатто пул ҳам тўламайсан, деб ўйлади. Қитмирлиги тутиб, ўзига умид билан қараб турган чойхоначига салмоғидан кўпроқ ҳақ тўлади. Чойхоначи шу захотиёк пулларни санаб, ортиғини қайтариб берди.

– Кўп бериб юборибсиз, – деди унга катъий.

– Олинг, мен розиман, – деди хурсандчилик билан чойхоначига. – Менга яхши хизмат қилдингиз.

– Бу мени ишим. Ортиғи керакмас.

Чойхоначининг гапларидан у яна ҳам хайратланди. Ҳаммаси ўзи ўйлаганидек бўлиб чиққанди. Ундан қувончу шодликка ҳақ олишмади. Ҳаёт жуда ҳам завқли ва гўзал кўринди кўзига. Мана шундай кайфиятда севгилиси яшайдиган даҳага келиб қолганини ҳам билмай қолди. Вақт чопқиллаб бир зумда ўтар эди. Қаршисида ўзи учун кадрдон бўлиб қолган унинг уйи турарди. Ҳаммаси таниш, аввалгидек. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ўша йўлак, ўша дарахтлар... Унинг ўзи-чи? Буни билмайди. Секин уйнинг деразаси томон юрди. Ҳеч ким кўринмади. Шарпа берди. Кимдир

пешвоз чиқиб уни кутиб олишларини истади. Аммо ундай бўлмади. Эшик олдига келиб тирқишидан қаради. Бирон зотдан дарак йўк. Юраги ҳаприқди. У томон талпина бошлади. Уни кўргиси келарди. Эшикни аста тақиллатди. Ичкаридан кимнингдир эринибгина юргани эшитилди. Бу ўша. Қадам олишларидан сездди. Худди ўзи. Ҳозир эшикни очиб хайрон қолади. Кўз ёши қилади. Қувонганидан бўйниларига осилиб эркаланади.

Ўйлаганларининг тескариси бўлди. Эшик очилди. Остонада бир дунё бўлиб у турарди. Анча тўлишган. Қовоқлари шишган. Эғнидаги енгилгина шойи кўйлак бутун жисмини унга кўз-кўз қилади. Олдинги латофат, аввалги жозибадан асар ҳам қолмаганди. Ҳали уйкуси очилмаган кўзлари билан унга бошдан оёқ разм солиб чиқди. Уятсизларча кўзларини лўк қилиб:

– Тонг саҳардан қайси қурумсоқ экан, деб ўйлабман. Бу ёққа келмас эдингиз-ку. Нима, ёмонроқ туш кўрдингизми?.. – деди худди ҳар куни бир бор кўрадиган таниши мисол унга иршайиб.

Бу саволдан у бутунлай гарангсиз қолди. Тили танглайга ёпишгандек эди. Унга нима бўлди? Ким бу?.. Нега бунақа гапиради. Наҳотки унинг ўзи. Калласида хотиралар... Ширин туйғулар. Ҳаммаси ғовлаб кетди. Ҳеч нимани илғаб бўлмапти. Қанийди қаршисида турган бошқа бир аёл бўлса... Кўриб турганларининг ҳаммаси туш бўлсайди.

Йўк. Афсуски, унинг ўзи эди. Куну тун унга ҳаловат бермаган, ойлар, йиллар давомида кутиб яшаган севгилиси, мухаббати.

Ҳа-ҳа, у ўша эди.

Уйга қайтар экан, қалбида унга тинчлик бермай келётган туйғулар бир-бири билан тортишарди. Наҳотки, уч йил унинг васлида яшади. Ҳар кун уни қўмсади. Унга етишмоққа ҳаракат қилди. Бу унчалик қийин эмасди. Йиғирма чақиримгина йўл. Манзили ҳам аник эди. Кечиринч керакми ёки унутиш?.. Билмайди. Бу икки хилқатнинг ўртаси нега бунчалар тубсиз чоҳ бўлмаса.

У устахонасига қандай қайтганини билмади. Кира солиб қўлига мўйқаламини олди. Барини, бугун гувоҳи бўлган ҳамма нарсаларни тасвирлашни хоҳларди. Шундай ҳам қилди. Сийдам матони ҳар-хил бўёқлар билан бўяй бошлади. Тинмай чизарди. Ҳамма-ҳаммасини жон-жаҳди билан акс эттиришга ҳаракат қилди. Лекин унга эски хотиралар ҳалал берарди. Уларнинг барчасини унутишни истади. Уни эслатовчи барча нарсаларни, хатто уч йил давомида чизган унинг қиёфасини ҳам йиртиб ховлига улоқтирди. Куну тун ишлаб чиқди. Саҳарга яқин кўнгли хоҳлаган, бир неча йил уни беҳаловат қилган, бугун эса жисму жонига малҳам бўлувчи янги бир сурат яратди. Излаган чизгиларини топган эди. Мана улар...

Аёлнинг коп-қора, узундан-узун сочлари мисол зимзиё тун. Илонизи йўллар. Ўн беш кунлик ойнинг акси тушган қўл. Ойдинда очилиб, ботқоқликка гўзаллик бахш этиб, товланиб турган оппоқ нулуфар гуллари. Уларнинг орасидан меҳр билан боқиб турган алланечук ранглардаги кўзлар акс этган эди. ■

Бахтиёр НУРИДДИНОВ

Эски шаҳарнинг тор, кинғир-қийшиқ, лекин ниҳоятда файзли кўчалари. Ҳар гал шу кўчадан ўтганимда катта тут тагидаги мўъжазгина супага кўзим тушади. Бейхтиёр болалик вақтларимга қайтаман. Кейин соч-соқоли ўсган, қаримсиқ, лекин кулганда бутунлай яшариб кетадиган ўша кимсани эслайман. Хаёл ўша унутилмас, серзавқ онларга етаклайди.

Бир куни дадам чойхонадан гап топиб келдилар. Эмишки, Хонақодаги Дамир отанинг ҳовлиси қандайдир органда ишлайдиган кишига сотилганмиш. Мен у ҳовлини жуда яхши билардим. Дамир ота кўпинча катта тут остидаги мўъжазгина қурилган супачага кўрпача тўшаб, чой ичиб ўтирар, ҳар йили тут пишганда бизни чақириб, қоқтирарди. Роса тутга тўярди. Ўзига ҳам товланиб турган, катта-катта тутдан териб, лаганда олдига кўярди.

Дамир ота кўпинча болаларни каттагина боғига олиб кирар, бизлар майкамизни катта-катта олмаю ноқларга тўлдириб чиқардик. Шундай пайтларда ота ҳассасининг учи билан бизга энг пишган, сархил меваларни кўрсатар, заха қилмасдан териб, олиб тушиб берардик.

Ҳар сафар мева териш билан машғул бўлганимизда унинг нуруний чехраси ёришиб кетгандек бўлар, бизларга жилмайганча тикилиб, ҳаракатларимизни кузатарди.

Болалар орасида негадир менга меҳри ўзгача эди. Кўчага чикқанимда баъзида мени чақириб, чўнтагимга туршакми, ёнғоқми солиб кўярди. Шундан бўлса керак, Дамир отани яхши кўрардим.

Лекин нега унинг ёлғиз яшашига ҳеч тушунолмасдим. Шу туфайли бир сафар:

– Ота, нега бир ўзингиз яшайсиз, болаларингиз йўқми? – дея сўрадим.

Дамир ота ўйланиб турди-да, жилмайиб:

– Болаларим... сен, анави ўртоқларинг, – деди.

Мен яна ҳеч нимани тушунмадим.

Дадам айтганларидек, Дамир ота кўринмай қолди. Кейин билсак, бошқа шаҳарда турадиган асранди кизи унинг ҳовлисини сотиб, отасини ўзи билан олиб кетган экан. Анчагача тут остидаги супача ҳувиллаб ётди. Кейин қандайдир одамлар келиб, кўримсизгина эшик ўрнига каттақон дарвоза ўрнатишди. Юк машиналари тез-тез катнаб, қурилиш материаллари олиб кела бошлади.

Маҳалла болалари орасида гап тарқалди. Эмишки, Дамир отанинг уйида бир «аристон» турганмиш. Кўриниши жуда ваҳимали. Ҳатто ёш болаларни ўғирлаб, қимларгадир сотиб юборишдан ҳам тоймасмиш.

Шу олди-қочди гаплардан кейин Дамир отанинг уйига ваҳима билан қарайдиган бўлиб қолдик.

Кечки пайт гапдан гап чиқиб, оймидан сўрадим:

– Дамир отанинг ҳовлисида кўриниши жуда ваҳимали бир киши яшаётганмиш... Шу гап ростми?

– Бекорларнинг бештасини айтишибди. Ҳозир отанинг уйида ҳеч кими йўқ бир уста ишлаётганмиш. Ўғлим, сен кўрқма. У ҳам Оллоҳнинг бир бандаси, – дедилар ойм.

Шу гаплардан сўнг бироз ўзимга келдим. Шунда ҳам боғ томонга ўтганимда, бироз бўлса-да ҳадик босарди. Қобил ўртоғимнинг томига чиқиб, устанинг ишини кузатдик – ўзи лой қилар, кейин челақларни тўлдириб ховоза остига олиб борарди. Ховозага 60-70 та ғиштни тахлаб, пақирдаги лойни тортиб, ғишт терарди. Ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Ёши эллиқларда, соч-соқоли ўсиб кетганлигини ҳисобга олмаганда,

ҳаракатлари чакқон.

Уни кўрган Қобил ажабланиб:

– Оддий бир уста экан-у, биз уни одам ўғрисига чиқариб юрибмиз, – деб қолди.

Унинг фикрини қувватлаб, бош силкидим. Кейинчалик ҳам кўп марта устанинг ишини томдан туриб кузатдик. Одатда уста ишлаганда унинг ёнида, албатта, ёрдамчиси бўларди. У эса ҳамма ишни ёлғиз ўзи бажаришига ҳайрон эдик.

Бир куни кечки овқатдан сўнг ойм чақириб:

– Ўғлим, анави Дамир отанинг уйида ишлаётган устага овқат обориб бергин. Мана, сузиб қўйибман. Бечоранинг қачондан буён ичига иссиқ овқат қирмагандир, – деб қолдилар.

Дастурхончага ўралган иссиққина овқатни олиб Дамир отаникига югурдим. Эшикдан кириб, атрофга алангладим. Боғ этагидаги қурилатган янги бинога кўз югуртирдим. Ҳеч зог кўринмади. Ҳовли ёнбошидаги эски уйда милтиллаб чирок ёниб турарди. Таваккал қилиб ўша ёққа юрдим. Илгарилари Дамир отанинг уйига болалар билан тез-тез кириб турганимиз туфайли ҳам уй эшигини қийналмасдан топдим. Бора солиб эшикни қоқдим.

– Ким у? – деган ҳазин овоз эшитилди. Эшикни оёғим билан очиб, ичкарига кирдим. Уй бурчагидаги эски наमत устида уста ўтирарди. У менга ажабланиб тикилди. Ўтирган кўрпачаси қирдан ялтираб кетганди. Ёнидаги эски хонтахтада қопқоғи очилиб, чала ейилган консерва, қўқ пиёз ва яримлаган вино шишаси турарди.

У дастлаб нега келдинг, менда нима ишинг бор, дегандек ажабланиб тикилди. Қўлимдаги овқатни хонтахта устига «дўк» этиб қўйдим-да:

– Бу сизга, ойм бериб юбордилар, – дедим.

У бироз ўйланиб турди-да, елка қисганча:

– Бўшатишга идишим ҳам йўқ, – деди.

Мен ҳам ўзимни иложи борича катталардек тутиб:

– Ҳечқиси йўқ, эртага олиб кетаман, – дея атрофга тикилдим.

Шу пайт нима қилиб бўлса-да, алламбало хид анқиб турган хонадан тезроқ чиқиб кетгим келарди.

Эртасига эрталаб Қобил билан учрашганимда ҳаммасини айтиб бердим.

– Яна қачон овқат олиб чиқасан, – деди Қобил. – Бирга қирамиз.

Мен елка қисдим.

– Кел, бўлмасам, овқатни бугун мен олиб чиқаман, – деди Қобил.

Назаримда, унинг ҳам уста билан жуда танишгиси келаятганди. Шу куни кечқурун Қобил билан овқат олиб чикқанимизда уста кечаги косани яхшилаб ювиб, дастурхончага ўраб қўйганди. Уй ҳам назаримда шамоллатилган, бироз эпачага келиб, ортиқча нарсалар тахмонга йиғилганди.

Бу сафар у бизларни эски танишлардек кутиб олди. Анчагина суҳбатлашиб ўтирдик. Шунда у беҳосдан:

– Шу маҳаллада турасизларми? – деб сўради.

Унинг саволига Қобил:

– Қўшни турамиз, мактабда ҳам бир синфда ўқиймиз, – деди шошилганча.

Назаримда, ўртоғим ҳамон унга кўрка-писа қараб кўярди. Шу пайт Қобил тоқчада турган бир даста китобга қараб:

– Ўзингизникими? – деди.

USTA AKANING O'GITI

ҳикоя

– Ҳа, лекин ўрисча, тушунасанми? – сўради уста.

– Эндигина иккинчи синфга ўтдик. Ҳали рус тили ўқиётганимиз йўқ, – деди дўстим.

Шу танишувдан сўнг Дамир отанинг боғига кириб, устанинг ишини кузатадиган бўлиб қолдик. Қизиги, у ёрдамлашишимизни сираям хохламасди.

Бир куни пешин вақтида унга овқат олиб кирдим. У соч-соқолини олдирган, устидаги кийимлари янги бўлмаса ҳам, озода эди.

Овқатни хонтахтага қўйдим-да, токчадан бир китоб олиб, суратларини томоша қила бошладим. Уста билан гаплашиб ҳам ўтирдим.

– Урушга борганмисиз?

У яна кулимсираб қўйди-да, бош силкиди.

– Одам ҳам ўлдирганмисиз? – сўрадим ажабланиб

– Ҳа, ...тўғри келган, – деди у ғамгин жилмайиб. – Сен бола ақли кўринасан. Ёшинг нечада?

– Тўққизда...


– Катта бўлсанг, ҳаммасига тушуниб оласан. Лекин билиб қўй, ақлли инсон ақлини ишлатишни ҳам билиши лозим, – деди бироз хўрсиниб. – Мен ҳам яқинда сендек кўча чангитиб юрган бола эдим. Мактабни битирдим. Институтни тугатдим, лекин ҳаётда омадим чопмади. Қандайдир кони бузилган инсонларнинг тухматига учраб, қамалдим. Менинг ҳам сен тенги ўғлим бор. Лекин хотиним бошқага турмушга чиқиб кетган. Ҳар куни ўғлимни тушларимда кўриб чиқаман. Кўпинча бўйнимга осилиб, эркаланаётган бўлади. Шундай пайтларда уйғониб кетаман, қани энди бу кўраётган тушим умрбод давом этса, – деди астагина шивирлаб.

– Бегуноҳ одамларни ҳам қамашадими? – қизиқсиниб сўрадим.

Бу саволимни эшитиб, кулиб юборди-да, астагина:

– Гуноҳқормисан ёки йўқми, уларга аҳамияти йўқ. Демак, шуни хошлашибдими, шундай қилишади, – деб яна аянчли жилмайиб қўйди.

Орадан анча вақт ўтиб, устанинг қамалиб чиққани-ю, шу ҳовли эгаси «аристон»лар сақланадиган жойнинг каттақони эканлигини билиб олдик. Уста қамоқдан озод этилгач, бироз пул ишлаб олиш мақсадида ишлаётган экан.



Бир куни уста Қобил икковимизни янги уйнинг бир хонасига олиб кирди. Чорси хонанинг шифти ниҳоятда нақшинкор қилиб ишланган, кўриб кишининг кўзи тўймади. Шу пайт уста кириб, хонанинг чироғини ёкиб юборди. Қобил икковимиз хонанинг ҳашамини кўриб, ҳайратдан қотиб қолдик. Уй ниҳоятда чиройли эди. Шунда уста:

– Қани, энди шу ишларни, эркин юрганамда, ўз уйимда ҳам қилолганимда. Ўғлим ҳам ниҳоятда хурсанд бўларди, – деди маънос тортиб.

У Уста Дамир отанинг ховлисида бир ярим йилдан зиёд ишлади. Иши охирлаб қолганда кўни-қўшниларнинг ишларини ҳам бажариб берар, лекин ҳақ олмасди.

Қизиги шундаки, уста маҳалладаги ёшу қарига бирдек ёкарди. Шу сабабли маҳаллада ош бўладиган бўлса, уни ҳам айтадиган бўлишди.

Ўша йили Хосият хонанинг хужраси босиб қолганди. Уста маҳалла болаларини йиғиб, бир haftaдаёқ уни тиклаб берди.

Шундан сўнг маҳалладагиларнинг унга янаям меҳри ошди. Дамир отанинг супаси атрофини панжара билан ўрадик. У ерда кечки салқинда суҳбатлашиб ўтирардик.

Уста ёши каттароқ болаларга ғишт теришни, сувокни, ганжкорликни ўргата бошлади. Лекин шу пайтгача ҳеч ким унинг исмини билмас, уста ака деса маҳалладаги каттаю кичик танирди.

Бир куни кечки пайт дадам чойхонадан гап топиб келдилар. Дамир отанинг боғидаги янги уйга эгалари кўчиб келишибди. Уста эса ўз юртига қайтаётганмиш...

Эртасига эрталаб Қобил билан устанинг олдига кирдик. Янги уй олдига бўғчалар турар, ҳақиқатан, уйга эгалари кўчиб келаётганини тушундик.

Уста ҳам яхшигина кийиниб олган, дераза ёнида жомадони турарди. У бизларни одатдагидек очик чехра билан кутиб олди.

– Мана, болалар, хайрлашадиган вақт ҳам келди, – деди у одатдагидек кулимсираб. – Болалар, эсингиздан чиқмасин. Ҳаётнинг, эркинликнинг қадрига етинглар, – деди астагина.

Шу куни маҳалла болалари барчамиз устани трамвай бекатигача кузатиб қўйдик.

Орадан анча йиллар ўтди. Ҳар сафар Дамир отанинг катта тут остидаги панжарали супасини кўрганамда устанинг “Ҳаётнинг, эркинликнинг қадрига етинглар”, деган сўзлари ёдимга тушади. ■

Неъмат РАФИҚОВ

Fransuzlarning sovg'asi



Фаолияти давомида ўз карашлари билан қулдорлик тузумини қоралаб келган франциялик Эдуарда Рене Лефевр де Лабулэга Америкага ўзгача бир совга қилиш ғояси тинчлик бермасди. У Америкадаги фуқаролар урушида Шимолликлар ғалабаси ва қулдорлик тузумига чек қўйганлигининг 100 йиллигига озодликни ифодалай оладиган ўзгача бир маҳобатли хайкал яратишга бел боғлайди. Ушбу хайкални яратиш ишларини таниқли хайкалтарош Фредерику Огюсту Бартольдга топширади. Бўлажак хайкал устида ишлашни бошлаган Бартольд дастлаб ўша юрт рухиятини ўзига сингдириш ниетида Америкага йўл олади.

1871 йил 21 июнда Бартольд чиккан кема Америка қирғокларига, аниқроғи, Нью-Йоркка яқинлашар экан, унинг эътиборини қирғоқ яқинидаги кичик орол Беллоу ўзига тортади. Бартольд шу ондаёқ бўлажак хайкал қад кўтариши керак бўлган жойни топгандек бўлади. Кейинчалик XIX-XX асрларда Америкага янги ҳаёт илинжида уммон оша сузиб келган эмигрантлар нигоҳи биринчи бўлиб айнан шу оролда қад кўтарган озодлик хайкалига тушади. Ушбу таниқли хайкал қиёфаси айнан кимдан олинганлиги ҳақида ҳар хил фикрлар юради. Улардан бири римликлар маъбудаси Либертас — Озод қилинган қуллар маъбудаси рамзи деган қарашлар бор. 1875 йилда хайкал қиёфаси қандай бўлиши ҳақидаги якуний фикрга келинади ва ушбу масъулиятли ишга бош муҳандислик вазифаси француз архитектори ва ёзувчиси Эжену Эманюлю Виоле-ле-Дюкка топширилади.

Виоле-ле-Дюк хайкал қисмларга бўлиниб, мисдан ясалиши керак деган фикрга келади. Албатта, хайкал ҳажмига яраша катта маблағ талаб қилади. Бу муаммони ечиш масаласида Лабулэ Франкоамерика уюшмасини ташкил қилади. Вақт ўтиши билан уюшма жамғармасига тушаётган хайрия маблағлари камайиб боради. Шунга қарамай, иш жараёни давом эттирилаверади. Мустақиллик кунигача хайкалнинг бир неча қисми тайёрланиб, шулардан хайкалнинг машъала ушлаб турган қўли 1876 йили Америкага олиб борилади ва Филодельфияда 100 йиллик муносабати билан ўтказилаётган кўргазмага қўйилади. Хайкалнинг бош

қисми эса 1878 йили тайёр бўлади. Француз усталари яра-таётган ишлар кенг омма эътиборини янада ўзига торта бошлайди. Бу эса хайрия жамғармаси ошишига катта таъсир кўрсатади. Хайкал танаси устида ишлаш жараёни бошлангач, ташкилотчилар олдида яна бир қанча муаммолар пайдо бўла бошлайди. Энг ёмони, ушбу режанинг Бош муҳандиси Эжена Виоле-ле-Дюкнинг бевақт оламдан ўтиши иш жараёнининг узилишига олиб келади.

Бу муаммонинг ечимини тезроқ топиш мақсадида ўша даврнинг истеъдодли муҳандисларидан бири бўлган Гюсто Эйфелга мурожаат қилинади. Эйфел бу масалада ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, асосли таклифлар киритади. Деярли тайёр бўлиб қолган хайкални энди таянч нуктасига ўрнатиш, унинг табиат инжиқликларига йиллар давомида бардош бера олишини таъминлаш керак эди. Эйфел осмонўпар бинолар қурилишида тўплаган тажрибалари асосида бу маҳобатли хайкал мувозанати, яшовчанлиги ечимини топади. Қирғоқ бўйлаб эсувчи кучли шамоллар таъсирига бардошли бўлишида хайкал марказий таянч нуктасига мустаҳкам бириктирилмасдан, юмшоқ услубда, яъни танани пойдеворга эгиловчан пўлат таёқлар асосида бириктириш услубини қўллайди.

Ушбу эгиловчанлик услубини Эйфел кейинчалик Париждаги дунёга машҳур Эйфел минораси қурилишида ҳам қўллаган. 1886 йил 28 октябрда хайкалнинг очилиш маросими тантанали равишда бошланади. Унда архитектор Бартольднинг ўзи хайкални ёпиб турган матони кесиб, очиб беради. 1956 йилга келиб, хайкал ўрнатилган ўша оролча (Liberty Island) Озодлик ороли деб номланади.

Эйфел


Француз муҳандиси Эйфел Александр Гюстав 1832 йил 15 декабрда Дижон шаҳарчасида дунёга келади. 1855 йили Париждаги металл конструкцияларга ихтисослашган хунармандчилик ва санъат мактабини битиради. Унинг чизмалари асосида 1858 йили Гаранну дарёсидан Бордога ўтадиган темир йўл кўприги, 1877 йили эса Дору дарёсидан Порто (Португалия)га ўтувчи кўприк қурилади. Эйфел яна кўплаб кўприклар қурилишида иштирок этади.

XIX асрнинг охирларига келиб, Францияда 1789 йилги инқилобнинг 100 йиллигини тантанали нишонлашга мўлжалланган халқаро кўргазма ташкил қилинади. Ундан мақсад инқилобнинг 100 йиллиги муносабати билан ғайриоддий бир ёдгорлик тайёрлаш ва бу билан бутун дунёни хайратлантириш эди. Кўргазма якунида Эйфел тақдим қилган минора чизмалари ўша давр меъморчилигидан тубдан фарқ қилиб, кўплаб тортишувларга сабаб бўлади. Орадан икки йил ўтиб Сена дарёсининг чап қирғоғида кўкка интилаётган найза каби ноанъанавий бир бино кўтарилга бошлайди. Ҳисоб-китоблар бўйича, бу миноранинг баландлиги 300 метрга етиб, оғирлиги 10 000 тонна агрофида бўлиши мўлжалланган эди.

Ҳар қандай йирик қурилишларда учраши мумкин бўлган техник муаммолардан ташқари бу антика минора қурилишига пойтахтда ўз мавқеига эга бўлган шахслар томонидан танқидий фикрлар билдирила бошлайди. Ҳатто таниқли ёзувчилар, санъат усталари Александр Дюма, Шарль Гуно, Леконт де Лиль, Ги де Мопассан ҳамда Сюлли Прюдомлар ҳам бу қурилишни қўпол ва бефойда қурилма сифатида қабул қилишларини билдиришган. Йиллар ўтиши билан ўша қўпол ва фойдасиз кўринган минора Франция пойтахти мар-

казида ҳатто машҳур Версал саройи билан тахт талашиб турибди, десак бўлади. У ҳақида шеърлар битилиб, кўшиқлар қуйланиб келинмоқда. Бундан ташқари, Эйфел минораси халқаро туризм ташкилотчилари эътибори марказида. Йил сайин туристлар оқими Парижга ва Париж марказини безаб турган минора томон талпинади. Албатта, имконият бўлди, дегунча ҳар бир киши миноранинг қуш парвози баландлигида туриб гўзал Парижни кузатишни орзулашини инкор қилмаса керак. Эйфел минорасининг ерга таянч майдони 1,6 гектарни, баландлиги антеннаси билан ҳисобланганда 320,75 метрни ташкил қилади. Шуниси қизиқки, Эйфел талаби ва васияти билан минора фақат қўл меҳнати ёрдамида бўялиши талаб этилган. Бўёқ ишлари ҳажми 200 минг метр квадратни ташкил этиб, бунга 60 тонна бўёқ сарфланар экан. Ҳозирда миноранинг Шимолий таянч оёғи ёнида ўша улугъ яратувчилик эгасининг олтин бюсти ўрнатилган. Бюстга эса оддийгина қилиб, “Эйфел 1832-1923” деб ёзиб қўйилган. ■

Соҳиб ЖОНТООЕВ,
Тошкент Архитектура
ва қурилиш институти талабаси



Eng buyuk kashfiyot ekan muhabbat

Хазрат Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” достонида икки шахс – шайх Сухарвардий билан котиб Ёқутнинг ўзаро ҳурматига асосланган ҳикоят бор. Мен таниқли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг шоир Муҳаммад Исмоил ҳақида ёзган бадиасини ўқиганимда, беихтиёр шу ҳикоят ҳаёлимга келди. Бир-бирига нисбатан самимий, айрим ҳолларда юморга йўғрилган муносабатлари бадиада ҳар иккала ижодкорнинг ички оламини яққол намоён қилиб, ўқувчининг дилини равшан қилади.

Инсон нима учун бу оламга келган, қандай мақсад билан яшайди – буни англаган ҳолда, замондошларининг, буюк шахсиятларнинг ҳаётидан андоза олади, улуғларнинг ҳаёти улар учун ибрат мактаби. Муҳаммад Исмоилнинг киёфаси Шойим Бўтаевнинг бадиасида чуқурроқ очилган. Шойимнинг табиатидаги юморга мойиллик Муҳаммад Исмоилнинг самимийлиги билан шунчалик уйғунлашиб кетганки, ҳар иккаласи ҳам бадиада мана мен, деб нигоҳини қадаб туради. “Битта лофчи бор экан. Отам Ўрта ер денгизини сузиб ўтган, деб мактаниб қолибди. Унга иккинчиси айтармиш: Ўлик денгиз бор, биласизми, ўша денгизни менинг отам ўлдирган”. Бундай хангомани кифтини келтириб Шойим айта олади, қалби тоза, зоҳиран сокин, ботинан ҳаяжонли Муҳаммад Исмоил самимият билан тинглай олади. Яқинда Муҳаммад Исмоилнинг “Шарк” нашриёт-матбаасида чоп этилган “Осмон тўла орзулар” китоби бунга далил.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдим: Муҳаммад Исмоил, Шойим таъкидлаганидай, миллий адабиётимизнинг ўзак масалалари ҳақида кенг фикр юритадиган, катта билим эгаси. Унинг эътироф этилишига ижодга масъулият ва билим билан ёндашуви сабаб деб биламан. Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева, Иброҳим Ғафуров, Абдусайд Кўчимов Муҳаммад Исмоил ижодига рўй-рост, оширмай-тоширмай баҳо берганлар. Эркин Усмоновнинг “Ошuftа кўнгил” китобида бу одамшаванда шоир ҳақида юқоридаги катта ижодкорларнинг самимий дил изҳорлари ўрин олган, Муҳаммад Исмоилнинг тўлақонли шахс ва катта адиб сифатидаги киёфаси чизилган.

Бир ижодкор тўғрисида ким сўз юритмасин, унинг ижоди маҳсулининг маълум бир қирраларига эътибор қаратади, эътирофга лойиқ нимадир топади. Шу нуқтан назардан айтиш мумкинки, Муҳаммад Исмоилнинг бадиалари адабиётимизда катта воқеа. Муҳаммад Исмоил бадиа жанрига янги мазмун олиб кирди, қаҳрамонларининг

ички оламини илғаб олишда бор маҳоратини ишга солди, у ижодкорлигини шу жанрда ҳам исботлай олди. Муҳаммад Исмоил бадиаларида замондошларимизнинг айтмаган сўзларини айтқизди. “Диёнат дарёси” бадиасида Одил Ёқубовнинг фидойи жамоат арбобига хос танглик ва жонбозлиги, мураббий сифатида осмон сингари бағрикенглигини, раҳбар сифатида қатъиятчилигини қаламга олар экан, уни ҳақиқат деб аталган муқаддас эътиқод йўлида собит курашчи сифатида кўрсатди.

Муҳаммад Исмоил жимжимадор иборалардан қочади, жимжимадорлик ўқувчини зериктиришини ҳис қилади. Чиройли ифодаларга интилиш оқибати фақат бадианинг жозибасини йўққа чиқаришини Муҳаммад Исмоил яхши тушунади. Мен Муҳаммад Исмоилнинг фалон бадиаси ана шу талаблар даражасида ёзилган деган фикрдан йирокман. У бутун ижодига – бадиаларига ҳам, шеърлари ва ҳикояларига ҳам бир хил талаб билан ёндашади.

Муҳаммадjonнинг бадиаларидаги луқмалар, хангомалар, латифалар қаҳрамонларнинг маълум бир қирраларига боғланади. Зотан, бадианинг ўқувчиси ҳам халқ. Халқ ижодкорни севади, маълум вазиятда уларнинг асарларидан дардларига дармон излайди. Муҳаммадjon ўз бадиаларида айни шуларни – миллат дардига дармон бўлган ижодкорларнинг рухиятини, қалб кўрнини, халқимизга бўлган юксак муҳаббатини бера олди.

Муҳаммад Исмоилни халқимиз кўшиқларидан ҳам яхши билади. Унинг шеърларидаги халқона оҳангни, туйғуларининг жарангини эшитиш учун овоз чиқариб ўқиш керак. Шеърларидаги жарангдор туйғулар хайқариб, баралла овоз билан ўқишга эҳтиёж пайдо қилади. Назаримда, шундай шеърлар кўпроқ керак. Ахир, халқимиз минг йиллар давомида яратган кўшиқларнинг жаранги кимнинг дилларига файз бағишламайди?! Бугун дилларни китиклайдиган жозиб шеърларга эҳтиёж сезилади.

Сиз чарчар бўлсангиз, ташна бўлсангиз,

Дарё-дарё меҳрин тутгайдир Ватан.

Ҳеч қачон тегмасин ерга елкангиз,

Ортингизда тоғдай тургайдир Ватан!

дея барқамол авлодга қарата қилган шеърини хитоби қайси бир ёш авлоднинг қалбини жунбушга келтирмайди?! Кимни ҳаяжонга солмайди?! Қайси бир йигит-қизда Ватанга муҳаббат ҳиссини пайдо қилмайди?!

Инсон кўнгли кўп нарсани истади-ю истаги қонгач, кўнгли таскин топади, вужуди ором олади. Аммо бир нарсани инсон кўнгли ҳар доим қўмсайди. Бу

PESHOG'ORDA BIR KUN

фароғат, Ватанга садоқат, мунаввар кунларга – мустақилликка етишгани учун Яратганга шукроналик. Мустақиллик шукухи, унинг халқимизга берган инъоми биронта ижодкорни бефарқ қолдирмас керак. “Қизил девор кўчиб ўртадан, Англаб етдик недир яшамок” деб шоир ҳар биримизнинг ҳаётдаги мақсадимизни барала айта олди.

Муҳаммад Исмоил табиатан сокин, вазмин одам. Аммо унда чинакам шоирга хос ички ҳайкирик бор.

Гоҳо бир ҳис дилда инграйди нолон,

Мен хорни бахтиёр этди муҳаббат

дейди шоир бир шеърда. Юракдан муҳаббат туғилади. Шоир – муҳаббат рамзи. Барча шоирлар ҳам муҳаббат ҳақида кўп ёзишган. Аммо муҳаббат куч-қудрат, яшариш, камолот рамзи сифатида доимо янгилашиб, сайқалланиб асрлар давомида яшаб келади. Акс ҳолда муҳаббатнинг сийқаси чиқиб кетган бўларди. Шоирнинг шеърларидаги муҳаббат “энг буюк кашфиёт”, “азалий дард”, “хасталар ҳеч қачон енгмаган” ва ... Муҳаммад Исмоилга хос дардининг образли ибораларидир бу ташбеҳлар!

Муҳаммад Исмоилнинг шеърлятига хос бир хусусият яна шуки, у табиатнинг ўжарлигидан ҳам гўзаллик излайди. “Бўрон, довулларга муҳаббат билан қаранг, бу баҳорнинг нозу викори, табиатнинг Ерга севги изхори бўлиши мумкин”, дейди у “Неча кунки” шеърда. Ниҳоятда гўзал манзара! Табиат ҳам шоирнинг ўзи каби муҳаббатга тўла. Шоир гўзалликни асло суистеъмом қилмайди, аксинча, ҳар доим сўзга бирон янги маъно юклаш билан ёки янги ташбеҳлар яратиш орқали гўзалликнинг янги-янги қиёфасини яратади.

Муҳаммадjonнинг ҳикояларида мен соддаликни кўраман. Шукур Холмирзаев бир пайтда Муҳаммад Исмоилнинг “Саҳройи гуллар” тўпламидаги ҳикояларига билдирган самимий муносабати, тилаклари ҳамон кадрли. Ўшандан буён ҳам саккиз йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Муҳаммадjon ҳикоянавис сифатида ўсди. У ишқий моҳароларга, майда, сохта туйғуларга ўралашиб қолмади, балки маънили ҳикоялар битди. Унинг “Осмон тўла орзулар” номли ҳикоясини ўқиганимда, Муҳаммадjonнинг ёзувчи сифатида ўсганига амин бўлдим. Муҳаммад Исмоил ижодида инсониятни дадилликка, эзгуликка чорлайдиган бу сингари ҳикоялар анчагина.

Муҳаммад Исмоил ҳали адабиётимиз учун кўп хизмат қилади, деган умид ва ишонч билан унинг янги-янги тўпламларини кутиб қоламиз. ■

Насимхон РАҲМОН,

Филология фанлари доктори, профессор

Ёзги таътил кунларининг бирида “Ёш сайёҳлар” тўғараги аъзолари билан Зоминдаги Пешоғорга саёҳат қилиш иштиёқи туғилди. Саёҳат олдида фонар, машъала, аркон ўрами ва сафар халталарга зарур анжомларни жойлаб, тўлик йўл тадоригини кўриб қўйдик.

Биз баланд тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтариларканмиз, ёр теварак-атрофи ям-яшил арчазорларга бурканганлигидан баҳридилемиз очилиб, кўнгиллар яйраб кетди. Маҳалий аҳоли Такали ва Кумбел тоғлари туташган бу сўлим масканни мовий тоғлар деб бежиз айтишмас экан.

Тевараги харсангош, шох-шабба ва йирик бутазорлардан иборат баланд тепалик остидаги катта ҳажмли бўшлиқ тубсиз ички йўллардан неча-неча асрлар илгари вулкон, табиий офат ва оҳақтошларнинг емирилишидан вужудга келган экан. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳ, йўловчи ва табиат ошуфталарининг адоғи йўқ.

Ёр шифтларида сон-саноксиз кўршапалакларга кўзимиз тушиди. Улар зимистондаги уяларини адашмай топиб келишган ва шифтга осилиб олиб, хатардан холи яшарди. Беозор жониворлар ташқаридаги узун тумшукли калхат, савсан ва шу каби йиртқич қушларни чалғитиш учун зич халқа ҳосил қилиб олишганди. Улар кўлимиздаги фонар чироғи ёруғида ғалати товуш чиқариб безовталана бошлашди. Турли капалак, суварак, ялтирок курт ҳамда ер устида учрамайдиган жониворлар ҳам беҳисоб. Аслида, бу ерда тахмин қилганимиздан кўп жониворлар яшашаркан. Ёр ичи ажойиб, ғаройиб манзара касб этган. Оҳақтош қатлами яхлит эканлигидан ёр деворларига худди сайқал берилгандек туюларди.

Биз ёр ичкараси сари одимларканмиз, бутунлай коронгулик кўйнида қолдик. Ҳайрат ва қизиқишимиз устун келиб, гуруҳимиз аъзолари ҳамжихатликда фонар чироғи ва машъала ёрдамида йўлда давом этарканмиз, ёр саҳни кенгайиб борарди. Уч-тўрт одим олдинни кўриб бўлмасди. Адашиб кетмаслик учун арқондан фойдаланишни ҳам унутмадик. Айрим йўлаклар худди қувурдек номаълум томонга чўзилиб кетганди. Баъзан энсиз ва тор йўлаклардан эмақлаб ўтишимизга тўғри келди. Эгнимиздаги қийимлар намиқиб, танамиз мадорсизланиб, бўғинларда бўшашиш сезила бошлади.

Бироз хордик чиқаргандан сўнг афсонавий ерости йўлида юриб борарканмиз, беихтиёр деворлардаги гранит ва оҳақтошларга назар ташлаймиз. Деворлар табиий, нафис безаклар билан оҳорланган. Ёрнинг ички кўриниши ниҳоятда ғаройиб. Айрим тошлардаги шакллар одам ва шерларни эслатади. Ёр ичи бутунлай зимистон бўлиб, тун билан куннинг фарқи сезилмасди. Ихтиёримиздаги фонар чироғи хиралашиб, бир неча машъала қолганди, холос. Ортимизга қайтарканмиз, на чарқокни, на йўл азобини ҳис қилдик. Зеро, саёҳатнинг ўзгача гашти бор.

Ниҳоят, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлигимиз устун келиб, ёрнинг номаълум бўшлиқларидан шахдам одимлаб ёруғлик сари яқинлашарканмиз, куёш энди уфққа бош қўймоқда эди. Бир кунлик саёҳатимиз шу ерда якун топиб, барчамизнинг кўнглимизда хотир-жамлик, юз-қўзларимизда эса мамнунлик балқиди. Ана шу ҳаяжон ва ҳиссиётларга бой туйғулар она табиатга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва эҳтиром ифодаси эди, албатта. Пешоғорга саёҳат қилиш орзуси ушалиб, қадимий ерости обидаси сир-синоати ва ғаройиб мўъжизалари билан танишиш бахтига муассар булдик. ■

Фарида ЎРОЗБОЕВА,

Ғаллаорол туманидаги

57-мактаб ўқитувчиси



Shubert

Австриянинг машхур бастакори Франц Петер Шуберт 1797 йил 31 январ куни оиланинг олтинчи ўғли бўлиб дунёга келди. Ота Франц Теодор Шуберт оиланинг қаттиққўл ҳукмрони эди. Бўлажак санъаткорнинг онаси Мария Элизабет халим ва итоаткор аёл эди.

Франц туғилган пайтда Австрияда мусика халқ қонига сингиб кетгани учун ҳам Шубертлар хонадонидан тез-тез мусика садолари янграб турарди. Тўғрироғи, ўғиллари келажакда ўқитувчиликдан бошқа касб эгаллашларини тасаввур қила олмаган ота фарзандларини гўдакликлариданок мусика саводига ўргатарди. Ёш Франц ҳам бундан четда қолмади. Кенжа ўғлининг мусика соҳасида кучли лаёқати борлигини кўрган ота хурсандлигидан боши осмонга етиб, унга скрипка чалишнинг сирасорларини ўргата бошлади. Кўп ўтмай, болакай Франц акаларидан ҳам ўзиб кетди...

Акалари қатори мактабда ўқиб юрган кунларининг бирида отасининг қўлига тушган “Винер Цейтунг” расмий газетасидаги кичик бир эълон Францнинг тақдири ўзгаришига сабаб бўлади. Газетада император саройидаги капеллада кўшиқ айтувчи икки нафар бола ўрни бўшаганлиги хабар қилинган эди.

Конвиктга кирмоқчи бўлганлар анчагина экан. 1808 йилнинг 30 сентябр куни университет майдонидаги ғирашира бинога кўплаб болалар тўпланишди. Конвиктнинг бадқовок, хайкал сингари хиссиздай директори пастер Инокентий Ланг стол ёнида имтихон олувчиларга раҳбарлик қилиб ўтирганга қарамай, Франц сира ўзини йўқотмай, берилган вазифани осонлик билан бажаради. Ишонч билан, ифодали ашула айтиб, имтихон олувчиларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлган Шуберт сопрано овозли кўшиқчи бола сифатида сарой конвиктидан ўрин олади. Шу тарзда ўн бир яшар Франц учун янги ҳаёт бошланади.

Конвикт оркестри ёш Шубертни Гайдн, Моцарт, Бетховенларнинг улкан ижоди билан таништирди. Улкан санъаткорларнинг асарларига қайта-қайта мурожаат қилиб, ижро сир-синоатларини кунт билан ўрганди. Асли туғма истеъдод эгаси Франц замонавий оркестрнинг мураккаб репертуарини ҳам нозик илғай оларди. Миясида жонли образлар намоён бўла бошлаган Шуберт учун ижод аста-секин ҳаёт мазмунига айланди.

Вақт ўтиб, ўқитувчи, ўқувчилар оркестрининг дирежёр Вацлав Ружичка Шубертнинг қобилиятига ишора қилиб, “Унга ўргатадиган нарсанинг ўзи қолмаган...” дейди.

Шуберт конвиктда таълим оларкан, саройда юсак эътибор соҳиби бўлган машхур бастакор Антонио Сальеридан ҳам сабоқ олганини айтиб ўтиш жоиз.

Шубертнинг мусикий орзу-умидлари бир томондан ўзи истаганидек амалга ошган бўлса-да, иккинчи томондан, моддий қийинчилик уни тобора қийнамоқда эди. Буни санъаткорнинг акасига ёзган мактубда “...гарчи туриш-турмушим умуман ёмон бўлмаса-да, уни кўп жихатдан яхшилаш керак, деган хулосага келдим” деб ёзганидан ҳам билса бўлади.

Хуллас, у конвиктдан воз кечишга, зерикарли ва кўр-кўрона кироатхонликни тарк этиб, “озодлик”ка чиқишга қарор қилади. Бир сўз билан айтганда, бундан кейин ҳаётини бутунлай мусикага бағишлашга аҳд қилади.

1813 йилда Шуберт ўзининг ilk ре-мажор симфониясини яратади. Мазкур симфония Моцарт услубида яратилган эди.

Партитуранинг сўнги саҳифасида Шуберт: “Тугаллаш ва хотима” деб ёзиб қўяди. Бу қайси бир маънода симфонияни тугатиш ва конвиктга хотима бериш дегани эди.

Конвиктни тарк этган Франц отаси, амакиси, акалари қатори бошланғич мактабда ўқитувчилик қила бошлади. У 1814-1817 йилларни ўз ичига олган педагогик фаолияти даврида кўплаб асарлар яратди. Биргина 1815 йилнинг ўзиде 144 кўшиқ, 4 опера, 2 симфония, 2 месса, 2 фортепьяно сонатаси, торли кuartет ёзди. Жаҳон мусика санъатининг дурдоналаридан саналмиш “Ўрмон подшоси” асари худди шу даврда ёзилган.

Ҳаётини ижодсиз тасаввур қила олмаган композитор яратган асарларини дўстларига намойиш этарди. Унинг юсак истеъдод эгаси эканлигини билган дўстлар ушбу янги воқелик: мусика оламидаги ноёб асарларни кенг халқ оmmasига танитиш лозимлигини англаб етишади. Улар “Ўрмон подшоси” мусика асарини Лейпцигдаги машхур “Брейткопф ва Хертель” нашриётига жўнатишади.

Композитор ўз асарларининг кенг тарқалишига унча ҳам интилмасди. Бу ишни унинг дўстлари бажаришар эди.

Францнинг ҳаёти четдан қараганда ҳавас қилгудек эмасди. Унда на шухрат, на бир бошпана бор эди. Ҳаёти мухтожлик, йўқчилик, чексиз ғам-андух, бахтсизликлар билан тўла эди. У одамнинг бахти ташқарида эмас, ўз вужудида, ички имкониятларида эканлигига амин бўлганди. Гарчи ёши ўттиздан ошган бўлса-да, дунёга ўзи эшитаётган, ўзига ҳеч ким тинглашга муяссар бўлмаган мусика яратиш учун келганига узил-кесил иқроп бўлганди.

Шуберт йил сайин чиниқиб бораркан, дахоси ҳам камол топмокда эди. Бунинг далили сифатида ўша йилларда яратилган “Тугалланмаган” номи билан машхур Еттинчи си-минор симфониясини кўрсатиш мумкин. Мазкур асар симфоник мусикадаги юксак романтизм намунаси саналади.

Шуберт санъат оламига илк қадам кўйган пайтларда, шакл ва мазмун муштараклигидан иборат, қудратли мусика жанри – анъанавий соната шакли таркиб топганди. Вена классиклари Гайдн, Моцарт ва Бетховен мазкур жанрнинг оталари ҳисобланардилар. Улар ижодини безаган мазмун тиник, изчил классик шаклга солинганди. Бу шакл тўқис-туғал ҳамда пишиқ сайқал топганди. Бир сўз билан айтганда, реалистик анъаналарга содик Шубертнинг эстетикаси юқорида қайд этилган даҳо классиклар таъсирида шаклланганди. Шунга қарамай, у мусикада янги давр очиб, Венанинг биринчи романтик композиторига айланганди.

Не ажабки, композиторнинг юксак истеъдодидан дарак берувчи “Тугалланмаган”нинг тақдири фожиали кечади. Муаллиф мазкур асар ижросини тинглашга муяссар бўлмайди. Яъни асарнинг қўлёзмаси чанг босган ҳолда, ҳеч кимга кераги йўқ нотали папкалар орасида 1829 йилдан то 1865 йилга қадар қолиб кетади. Дирижёр Гербек асарни тасодифан топиб олганидан кейингина симфония биринчи марта 1865 йилнинг 17 декабрида Венада очик концертда янграйди.

Юқоридагилардан маълум бўладикки, Шуберт ёзган асарларига жуда катта эътибор ва масъулият билан қарасада, ёзиб тугатгач, уларни кенг омма эътиборига ҳавола қилишда унча ҳам ҳафсала қилмас, ҳатто ёзган асарларини унутиб юборарди. Тўғрироғи, композиторни кўпинча тугатган асарлари эмас, балки олдинда кутиб турган, амалга ошириши керак бўлган янги режа – ижод қизиқтирарди.

Доимий муҳтожлик Шубертнинг феъл-атворини ҳам ўзгартириб юборарди. Ишонувчан, соддадил Шуберт

ҳадикчи, гинахон бўлиб қолади. У ишга каттик берилиб кетгани учун соғлиқ ҳақида ўйламай кўйганди. Аммо саломатлик бундай одамдан ўч олади.

Шуберт иссиқ ёз кунлари тугаб қолган бир пайтда, энди бутун қийинчиликлардан қутулдим, деб турганда, бирдан ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. У врачларнинг маслаҳати билан акасиникига боради. Тоza ҳаво, тинчлик ва осойишталик ўз кучини кўрсатади. Шуберт соғайиб қолади, ҳатто октябр ойининг бошида акаси билан бир неча кун қуйи Австрия ва Бургендландни сайр қилади. Бирок не ажабки, Венага қайтиб келгач, тагин ўзини ёмон ҳис қила бошлайди.

Кундан-кунга аҳволи оғирлаша борган Шуберт батамом акасиникига кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Ҳолдан тойган композиторнинг қониди терлама бацилласи пайдо бўлганди. Озиб-тўзиб, мадордан қолган бўлишига қарамай, эртадан-кечгача тузук овқат ея олмай қолганди.

Шубертнинг аҳволи борган сари оғирлашса-да, хаёлини туну кун режалаштирган янги операси банд этмокда эди. Қанчалик уринмасин, режалаштирган иши сира юришмай қолганди. Ҳаётида биринчи марта бундай бўлиши эди. Фикрини бир жойга тўплаб ишга киришди дегунча, оғзида балиқ таъмини сеза бошларди. Бу заҳар ва ажал таъми уни таъқиб этиб, ортидан қолмас, бошка нарсаларга ўрин бермасликка ҳаракат қиларди. Охир-оқибат, хасталик санъаткорни бутунлай тўшакка миҳлаб кўйди.

Дўстлар композиторнинг оғир бетоблигини эшитган заҳоти этиб келишди...

Шуберт 1828 йил 19 ноябр куни кундузи соат учда оламдан ўтди. Ҳаво булут, куз ёмғири шивалаб турган бир пайтда уни қабристонга элтишди. Қиска умрида мусика оламида ўчмас из қолдирган санъаткорни ўз васиятига кўра, Бетховен қабрига яқин ерга дафн этишди... ■

Шермурод СУБҲОН
тайёрлади





POYDOR tog'lar

Ey, sel! Buncha hovliqasan, bunchalar quturib shoshib-toshasan? Qorli tog'lardan, mangu buloqlardan paydo bo'lgan Soy qirg'oqlarini buzib borasan, nav-nihollarni, dov-daraxtlarni qo'porasan, toshlarni dumalatasan? Yo'llaringda duch kelgan narsani yalmog'izday yamlamay yutaman, deysan. O'yasan, o'pirasan, soy baliqlarini-ku allaqachon etaklarga eltib tashlading. Elning qancha qo'y-qo'zisini, ot-ulovini xasday oqizib ketding. Beshiklar bo'sh emasdi...

Ey, sel! Sen qanchalik quturib oqmagil, qanchalik shovqin-g'alayon solib hayqirib dovul qoqmagil, baribir, sening yo'ling qisqa, umring qisqa. Ha, xuddi shunday. Chunki sen o'tkinchi qora bulutlardan paydo bo'lgansan faqat.

Qadimiy soylarda esa... tag'in mangu buloqlarning zilol suvlari mavj urib oqadi, chunki ularning mangulik zamini – manbai buyuk, poydor tog'lar bor! ■


Azim SUYUN
("Nevaralarim uchun hikoyalar" turkumidan)

ARNOLFININING XONADONI

Нидерландия давлати XV асрда Италиядан кейинги санъат ўчоғига айланди. Нидерландия шаҳарлари сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаса ҳам, аллақачон кенг қамровли савдо-сотик эвазига бой-бадавлат бўлишга улгурганди. Халқаро савдо-сотикнинг маркази қадимги Брюгге эди. XV аср охирида бу шаҳар сустлашади ва энди ривожланаётган Антверпен шаҳрига ўрин бўшади.

XV асрда санъат турларидан миниатюра юкори даражага эришади. Ҳаётга муҳаббат ва ошуфта қалб билан карашни, миниатюрадани маҳобатли ранг-тасвирга ўтишни Ян ван Эйк бошлаб берган. Кўлёмаларни безатган кичик ҳажмдаги расмлардан катта ҳажмли расмлар пайдо бўлди. Бу суратлар меҳроб деворларини безатиб турган. Бунинг натижасида янги бадиий сифат ривожланди. Миниатюрада кўлланилмаган услублар шаклланди. Масалан, одам кийфасини тасвирлаётганда диққатни бир жойга тўплаб караш инсоннинг юзлари ва кўзлари орқали намоён этилган.

Ян ван Эйк мохир портретчи рассом бўлган. Унинг қаламига мансуб 1434 йилда чизилган “Арнольфинининг хонадони” асари Уйғониш даври санъатининг ноёб намунасидир. Суратда эр-хотиннинг бир-бирига бўлган ўзаро меҳр-муҳаббати кўрсатилган. Тасвирда ифодаланган қаҳрамонлар, уларнинг либослари, хонадаги қандил, ойна ва бошқа жиҳозлар оиладаги файзни ифодалаб турибди. Кучукча эса оиланинг ҳали ёшлигини, уларнинг келажаги олдинда, фарзанд дунёга келгунига қадар бир эрмак эканини англатади. Рассом ҳар бир детални тасвирлашга ижодий ёндашган. Ёниб турган шамларни, бўртиқ ойнани (ойна аксида расом ўзини чизган), қизил олмаларни, ҳатто Арнольфинининг чўзинчок юзларини ижодий маҳорат билан тасвирлаган. Айниқса, ўз аёлининг нозик қўлларини ушлаб туришини худди тантанали маросим бўлаётгандек кўрсатган. Бу орқали жуфтликнинг бир-бирига бўлган чексиз хурмати ёритилган. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали уйда файз-барака




борлигини, оиланинг муқаддаслигини хис қилиш мумкин. Арнольфини асли италиялик бўлган. Агар бу портретни италиялик рассом чизганида, бошқачароқ тасвирлаган бўлар эди. Инсон шахси, унинг ташқи кўриниши, характери италияликлар билан шимолдагиларни бирдай қизиқтирган. Аммо рассомлар инсон кийфасини тасвирлаётганда ўз қарашлари ва қизиқишлари билан ёндашганлар. Италияликлар инсонни барча ишга қодир, мард, жасур шахс сифатида бўрттириб тасвирлашни

ёқтиришган бўлса, нидерландияликлар эса оддий инсонларни ўз ҳолича чизишни, оддий халқ ҳаётини очиб беришни ёқтирганлар.

Уйғониш даврига хос бўлган бу санъат асарида оилавий тотувлик орқасида мустаҳкам жамият тургани яққол ифодаланган. Зеро, оила жамиятнинг кичик бир бўғинидир. Бу сурат айна вақтда Лондон шаҳрининг Миллий галереясида сақланади. ■

ЛАЙЛО тайёрлади



BIR KUNI

(Онамга)

Хали ўша ёруғ кун келади. Одатий кунлардан бошқача. Ўша куннинг нимасидир бор. Ўша куни армон бўлмайди, ғам бўлмайди. Тугал бахтдан иборат бўлади ўша кун. Бошқа ҳаммаси бекор. Шу кунга эсон етсам бўлгани...

Бу унинг тоза хаёллари эди. Ўзининг бола кўнглидай пок, беғубор орзу эди бу. Кейин ўйлаб ўтириб, қанақа бўларкан ўша кун деди. Одам ғамни ҳис қилмаса, фақат бахтли, бахтиёр бўлса! Балки жаннатдамикан ўша кун саодати. Й-ў-ўқ, бу дунёнинг ҳам саодати бор. Ахир, айтишади-ку икки дунё саодати деб. Ўша кунни билмай, сезмай ўтказиб юбормадимикан. Шу хаёллар билан умр йўлига қараб энг ёруғ кунларини эслай кетди. Кичкиналигида онаси баргикарам атласдан кўйлак тикиб берган кунни эслади. Кун бўйи эгнига қарайвериб, бошқаларнинг ҳам қарашини истаб, кеч қилган. Шунақа яйраганки...

Лекин ўшандаям кўнглида бошқа манзилларга интилиш бўлганини, Отам урушда бўлмагандайди... деб ўйлаганлари... Ҳа, отаси урушдан келган кунмикан... Кейин ҳам саодатли кунлар ўтибди. Тўнғичи туғилганидаги масрурлик, кетмакет фарзандлар, бирининг илк қадам кўйгани, бирининг илк бор мактабга боргани. Бири хизматдан қайтганида, бири мактабни тугатди. Бири фарзандли бўлганида, бири турмуш курди. Бири диплом олганида, бири ўқишга кирди... Эҳ-хе, бу кунларнинг завки-шавки, сурури, ҳатто ташвишлариям тотли бўлган экан. Мана, бугун ҳар бирининг ўз турмуши, фарзандлари, неvara кўрганлариям бор. Чол-кампир уларнинг дуосини қилиб, йўқлагани келганларини кутиб, кузатиб, ўтиришибди. Ўйлаб кўрса, энг ташвишли, энг ғамгин кунлари ҳам бугунги кунлари учун пойдевор бўлган экан. Ахир, яхши-ёмон кунни сабр билан ўтказмоқ ҳам яхши хислат-ку!



Бир куни... Ўша кун бугун экан. Рост, бугун экан. Ахир, ўзи бўладими, ахил-иноқ кўша қариб, тўккиз фарзанднинг камолини кўриш! Саодатли кунлари келибди. Чин дилдан истганини Аллох берибди. Ўзига шукур, етказганига шукур! Фарзандларим ҳам саодатли кунларига эсон етсин. Энг чиройли кўйлагимни кийиб, кенжатоимнинг фарзандларию, чолим билан бир айлаиб келамиз. Болаларнинг ҳаммасини йўқлаймиз, ҳаммасини кўриб келамиз. Шу хаёлларда эшикка борди. Фарзандлар ўзлари бирин-кетин кириб кела бошлашди. Бугун унинг туғилган куни эди! ■



KASAL BO'LSANGIZ, SHE'R O'QING

Калифорния- Университети олимлари томонидан ёзувчилар умрининг узунлиги текшириб кўрилди. Текширишлар натижасида шоирлар ўртача 62,2 йил, романнавислар 66 йил, драматурглар 63,4 йил, публицист ёзувчилар 67,9 йил умр кўриши аниқланди.

Немис олимлари, ўз навбатида, классик поэзия киши организмга ижобий таъсир кўрсатишини аниқлашди. Масалан, улар Гомернинг шеърлари нафас ва юрак ритмининг меъёрлаштиришини аниқлашди. Бу кузатув натижаларидан нафас ва юрак аъзолари касалликларини даволашда

фойдаланиш мумкин.

Шунинг учун классик шеърлардан фақатгина завқшавқ олишда эмас, балки бошланиб келаётган шамоллашнинг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Текширув олиб борган олимларнинг фикрича, поэзиянинг организмга ўзига хос таъсири шеър ўқиш натижасида киши кайфиятининг ўзгариши билан боғлиқ экан. ■

Саҳифани ХОНИМОЙ тайёрлади

Milliy etnografik liboslar

Миллий либос утилитар мақсадлари жиҳатидан миллат этник маданиятининг компонентлари сирасига киради. Бунда халқнинг этник тарихи мобайнидаги либослар конструктив ечимлари ва безакларида бошқа миллатлардан фарқланувчи ўзига хосликлари, социал муносабатлар доирасида эса табақалар даражаси рамзий ифодаси ва шу билан бир қаторда баъзи бир – ғоявий, рухий, эстетик ўзига хосликларида аксини топганини кузатиш мумкин. Шу маънода, этнографияда либослар миллатнинг этник маданияти компонентлари сифатида жамият маданий юксалиш манбаларини ўрганиш воситаси эканлиги билан эътироф этилади.

Мазкур мақолада ўтмишда яшаб ўтган Ўзбекистоннинг машхур санъат усталари Усто Мўмин (Николаев), Чингиз Аҳмаров, Владимир Кайдалов рангтасвир ва графика асарлари мисолида ўзбек миллий либосларининг юқорида қайд этилган маданий ва ашёвий манба сифатида эстетик аҳамиятини очиб беришдаги ижобий тажрибаларини таҳлил этиш мақсад қилиб кўйилди. Зеро, ушбу рассомларнинг классик санъат усталари сифатидаги тарихий либос тавсифини беришдаги тажрибалари ёш рассомларнинг янада жадалроқ ижодий изланишлар олиб боришларига замин яратади.

Усто Мўмин (Александр Васильевич Николаев) ижодида модерн услубга хослик акс этган, яъни рассомнинг асарларида мақсадли равишдаги декоративлик мавжуд. Ушбу ижодий услуб доирасида рассом яратган либос асарларидаги бадий ифода воситаси ҳамда воқеълик муҳитининг асосий ташкил этувчиси сифатида ўзбек миллий либослари аҳамиятини белгилаб беради. Шу маънода, рассом миллий ва тарихий либосга конструктив ёндошади, бадий асар ифодалилиги мақсадларида миллий либосда мавжуд маълум бир бадийлик жиҳатларини бўрттиради.

Рассомнинг рангтасвир асарлари «Бой», «Дўстлик, муҳаббат, боқийлик», «Мешкобчи», «Баҳор» сингари асарларида либосларда қиёфа умумлашуви жиҳатларини кўриш мумкин. «Беда-набоз», «Дуторчи», «Чойхоначи» асарларида асар бадийлиги рассом ҳаётда кузатган деталлар воситасида бадий ифодалиликни ташкил этади.

«Марказий Осиё қадим ва илк ўрта асрлар де-

ворий рангтасвири» ўша давр либослари ҳақида маълумотларни тўплашда эътиборли манба эканлиги шубҳасиз. Улар манба сифатида ўз навбатида ҳозирги кунда чоп этилаётган классик адабиёт асарларига иллюстрациялар ҳамда даврни тараннум этувчи тарихий жанрда тасвирий санъат асарлари яратишда аҳамияти бекиёс. Бундан рассом Чингиз Аҳмаров унумли фойдаланган. Унинг «Сўғд тўйи» монументал рангтасвир асарида Афросиёб деворий рангтасвир асаридаги либослар шакл ва бадий безаклардан изчил фойдалангани яққол намоён бўлади. Аҳмаров ижодида ўзбек миллий либоси бадий аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.


Чингиз Аҳмаров асарларидаги эркаклар либослари деталлари ва безаклари ҳар бир асар қахрамони қиёфасига мос тасвирланган. Улар салла ўралиши ва белбоғлар, камар, тўнлар елка қисмлари, этаклари безатилиши, оёқ кийимлар тасвирларида ўзига хос ифодасини топган.

Ўзбек миллий либослари талқинига катта маъсулият билан ёндошган яна бир рассом Владимир Кайдаловдир. Графика ўз мақсадига кўра, бадий адабиёт тур ва жанрлари — афсона, ривоят, дoston сингари қадимий адабиёт наъмуналари ҳамда тарихий роман, адабий асарлар қахрамонлари қиёфаларини яратиш ва ўқувчига ўша давр муҳитини гавдалантириш вазифасини зиммасига олиши билан аҳамиятлидир.

Бу мавзу, яъни миллий либосларга мурожаат этишнинг яна бир амалий аҳамияти ҳозирги кунда урфга кирган дизайнерларнинг замонавий либос яратиш жараёнларида дунё мода оламида катта аҳамият касб этадиган этник ёки фольклор услубидаги либосларнинг асосини ташкил этишида ҳам намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, ушбу мавзунинг актуаллигини ҳозирги кунда турли рассомлар томонидан яратилаётган рангтасвир асарлари, иллюстрациялар, олинаётган фильмлар ва сахналаштирилаётган спектаклларда либос лойиҳаларини яратишга стереотип тарзда ёндошилаётганлиги, либос дизайнерлари эса машхур дизайнерлар ижодий тажрибаларидан ўрнатилган ҳолда ижодий фаолият олиб бораётганликлари таъкидланган йўналишда ўзимизнинг асл услубимизга эга бўлиш заруриятини таъқозо этади. ■

Фотима АБДУЛЛАЕВА





Shirin xayollar

Мен шоира, ўқитувчи Жамила Ортикованинг “Ишк рамзи” шеърий тўпламини ўқиб, ширин хаёллар сураётган, шу хаёллари, орзу-ўйларини қоғозга тушираётган аёл образини кўрдим. Аслида аёл яраллишдан ўйчан, орзучан. У фақат ўзи учун орзу қилмайди. Унинг орзуларида мудом фарзандлар камоли, юрт тинчлиги бўлади. Агар у устоз бўлса, шогирдлари истикболи ҳам унинг орзу-умидларида бўй кўрсатади.

Жамила Ортикова Қорақалпоғистоннинг Манғитидан. Пойтахтга келиб, Жисмоний тарбия институтида тахсил олиб, айна пайтда Тошкент шаҳридаги Юнус Ражабий номи педагогика коллежида ёш авлодга тарбия бермоқда. Фақат... шеър ҳам ёзади. Ёзганларини юқимли қила олади.

Шоирага ижодий камолот, янги-янги тўпламларга муаллифлик тилаймиз. ■

МАНЗУРА



KOSMOS yoki go'zallik tarixi

Аёллар хамиша энг жозибали, энг мафтункор бўлишга интиладилар. Уларнинг бу борада ўз сирлари, услублари, асосийси, доимий интилишлари мавжуд. Шунингдек, аёллар гўзаллигида косметика алоҳида ўрин эгаллайди. Хамма нарсанинг ўз тарихи, кейиб чиқиш илдизлари мавжуд. Шу катори косметика ҳам ўз тарихига эга. «Космос» ва «косметика» сўзлари — бир ўзаклидир. Қадимги греклар коинотда хамма нарса тартиб билан туради, деб ҳисоблаб, монандлик, ўзига хослик ва гўзалликни “космос”, тарзида аташган. Шу тарихида косметика ривож топа бoshлаган. Косметикага оид қондалар, китоблари нашр қилинган.

Эътибор қилинса, уйғониш даври косметологиясида ҳам бугунги кунга уйғун жиҳатлар топилди. Уйғониш давридаги адабиётларда аёлларнинг териси, қўллари ва тишлари оқ, кўзи, қоши ва кичриклари қора, лаблари, юзлари ва тирикчилик пушти рангли бўлмоқлиги шарт. Нерон Поппейнинг турмуш ўртоғи танасини бўр билан оқартирар эди. Қизил бўёқни юз ва тирикчилик учун, қора бўёқни кўз-қовоқлар, кичрик ва қошлар учун, ҳаво ранг бўёқни эса, қон томирларини ажратиб кўрсатиш учун ишлатар эди.

Косметик ашёларни одатда табиблар ишлаб чиқаришган. Ўрта асрларда тиббиётга оид китобларнинг косметика боблари “Ornatus” ва “Decoratio” деб номланган. Европада энг қимматбаҳо косметик анжомлар ҳамон асосан дорихоналарда сотилади. Қизиғи шундаки, Европада баланд пошнали оёқ кийимлар, узун пайпоқлар, соч бўёқлари, париклардан илгари фақатгина эркаклар фойдаланишган!

Илк бор лаб бўёқлари шиша идишчаларга сояниган эди ва XIX асрларнинг охирига келибгина ҳозирги замонавий кўринишда сотувга чиққан. Ўша пайтларда бу маҳсулотни сеҳрли таёкча деб аташган. Қадимги Мисрда оиланинг барча аъзолари қошларни теришлари шарт эди. Европада ойим қизлар тўй қуни пардоз-андоздан фойдаланишганда, бўёқларни жуда қалин суришарди. Бошқалардан ажралиб туриш учун қалинлар алоҳида пардоз қилишган.

Хуллас, хамма замонларда аёллар гўзаллик билан боғлиқ нозикликларни тез ўзлаштиришган. Аёл — аёл-да! У хамиша гўзал ва жозибали бўлиши шарт. ■

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



“ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ ЙИЛНОМАСИ” КРОССВОРДИ

Қуйида таърифлари баён этилган саналарни шакл маркази томон рақамлар билан ёзинг.

Ёйлар бўйича ўнгга: О'. Ватанимизда ilk футбол жамоаси “Мускоманда” тузилган йил. Z. Муस्ताқил республикамизнинг биринчи чемпионати ўтказилган йил. В. Илк бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилиб, Тошкент терма жамоаси ғолиб бўлган сана. Е. Ўзбекистон футбол федерацияси ташкил этилган йил. К. “Спорт” газетасининг иловаси, “Ўзбекистон футбол” хафталиги нашр этила бошлаган сана. I. Футболимиз юлдузи, мураббий Миржалол Қосимов таваллуд топган йил. S. Хужумчилар Д. Назаров ва Ф. Эргашевлар бир ўйинда тўрттадан гол киритишга муваффақ бўлган йил. Т. Таникли футболчи, мураббий Игор Шквирин миллий чемпионатимизнинг тўпурари деб эълон қилинган йил. О. Самарқанд шаҳрида ilk футбол жамоалари ташкил топган сана. N. “Насаф” жамоаси ОФК кубогини қўлга киритган йил.

Ёйлар бўйича чапга: О'. Тошкентда ilk футбол ўйингоҳи бунёд этилган йил. Z. Туркистон ўлкасида биринчи футбол чемпионати ўтказилган сана. В.

Ўзбекистон футбол терма жамоаси Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақалари чемпионлигига сазовор бўлган йил. Е. Наманганда дастлабки футбол жамоаси ташкил этилган йил. К. “Пахтакор” стадиони фойдаланишга топширилган йил. I. Юртбошимизнинг “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган йил. S. Ўз даврининг таникли тўпурарлари М. Ан, В. Фёдоров ва В. Хадзипаногислар энг яхши футболчилар таркибидан ўрин олган сана. Т. Миллий чемпионатимизда А. Жданов, Б. Ҳамидуллаев ва О. Усмонхўжаевлар бир ўйинда тўрттадан гол уришга эришган йил. О. Миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати сари дастлабки ўйинларни бошлаган сана. N. Ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз кучли саккизликдан ўрин олишга муваффақ бўлган йил.

“ФУТБОЛИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ” — ТОПШИРИК

Шакл аторофида мамлакатимиз футболнинг таникли юлдузлари фамилияларининг биринчи ва сўнгги ҳарфлари ёзилган. Улар асосида тўлиқ фамилияларини ёзиш билан топшириқни ҳал этинг. ■

“ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ” ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Афина.
2. Атлетика.
3. Абдуллаев.
4. Велодром.
5. Мюнхен.
6. Номзод.
7. Доктуришвили.
8. Исмоилов.
9. Волейбол.
10. Лозанна.
11. Атланта.
12. Акробат.
13. Тошкент.
14. Тангриев.
15. Вакт.
16. Токио.
17. Олтин.
18. Найза.
19. Арқон.
20. Нокаут.
- 21.

Теннис. 22. Старг. 23. Турник. 24. Кросс. 25. Сузиш. 26. Штанга. МУАММОНОМА


- Калит сўзлар:** 1. Қиличбозлик. 2. Рекорд. 3. Батут. 4. Пенальти.

Шакл аторофида: Тезрок! Баландрок! Кучлирок! Пьер де Кубертен. ■

СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Профессор. Алишер. Овул. Самара. Лазарет. Ура. Лак. Ҳамадон. Фа. Да. Асорат. Во. Орнамент. Раис. Гамма. Родео. Саноат. Литавра. Валижон. Нишолда. Нон. Аср. Аро. Алдан. Топширик. Этик. Риони. Қайноқ. Цейтнот. Асо. Ду. Тир. Туркистон. Ота. Ёт. Иосилиани. Васл. Шувок. Маош.

Бўйига: Шарада. Емак. Орзуманд. Рад. Умарова. Ол. Ора. Боб. Ботаника. Сатин. Тим. Рисола. Арафа. Палахмон. Салтанат. Нигрон. Нам. Ас. Нашвати. Оператор. Арик. Салон. Шажара. Лондон. Аниқ. Она. Гарвард. Ўш. Эр. Лок. Татами. Цунами. Йўлдош. Тан. Осиё. У-шу. Киви. Ал. Си. Тола. Тортик. ■

Транспорт воситаси								Футболимиз ватани																		
	Адабий жанр	Қитъа	Мўйна-ли йирткич	Боғловчи				Орзу																		
								Сўз устаси																		
	Ҳаво транспорти	Атиргул аъзоси																								
	Ради-актив элемент	Вазн ўлчови	авто-марка																							
								Масала, жумбоқ	Соҳиб-жамол																	
		Исти-ҳола	Мустаҳ-кам										Тўқиш ашёси													
			Муноза-ра					Меҳр												Мамнун, шод						
			Дўстона					Ер шаринухаси	Иш устаси				Сўзла-шув воситаси													
	Энг баланд му-сиқий овоз												Камёб жони-вор													
	Самолёт маркаси		Физик зарра										Фан	Гул												
Қонун-нинг бир бўлими	Халқаро спорт ўйинлар	Жун газ-лама		Ер қат-лами				Азалий қўшиқ					Ўтмиш фани	Ўзбек мумтоз шоири						Танга тарихи фани						
				Афри-кадаги давлат									Чаван-дозлик баҳси													
Англия-да олий мансаб				Борлиқ				Замон						Ер ости хазинаси	Ёқил-ғи					Рус ади-би						
				Валюта				Брази-лия дарёси							Энг серсув дарё					Асло, мутлақо						
Катта фарзанд	Сөрунум							Ер сатхи ўлчови					Осиё-даги давлат													
			Қим-матли қоғоз						Шамсий иил ойи				Таом							Сунъий тола						
Зот			Чолгу					Француз шоири												Меҳ-нат						
			Қуш аъзоси																	Йўлдаги белги						
																				Маълум						
			Ижод-кор аёл										Геодезия асбоб							Адабий жанр Бегона						
	Ип газ-лама		Доим яшил дарахт										Ҳашарот													
	Қовун экини аъзоси	Санъат-кор																		Сайроқи қуш						
																				Зиравор						

Тузаткичи: Ҳозиржон ОРИПОВ



Рикардо Санз ўтган асрнинг 50 йилларида Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида тасвирий санъат дунёси билан бевосита боғлиқ бўлган оилада дунёга келади. Унинг бобоси ихтиёрида санъат галереяси ҳам бор бўлиб, тасвирий санъатга бўлган мухаббатини ўз набираларида кўришни ва улар санъат сирларини чуқур ўзлаштиришини хоҳларди. Рикардо Дюсто университетининг тарих факультетида ўқийди ва диплом олгач, Мадридга келади. У Мадридда Прада музейи тўпламлари билан танишиб чиқади. Ўз фаолияти давомида Санз Испаниянинг замонавий rassomлари даврасига шахс сифатида кира олди. Бу даврда у таниқли rassomлар Ревелло де Торо, Макаронн, Торренте Лладо, Викенте Маэсолар билан танишади. Улардан тасвирий санъат сирлари ва услубларини ўрганиб бориши натижасида унинг тасвирий санъатда фикрлаш доираси, дунёкараши янада мустаҳкамланди.

Кейинчалик Рикардо Парижда яшаб ижод қилди. Дастлабки ижодий ишларида кулранг, бинафша, кўк, кизил рангларга кўпроқ урғу берган ва асарларида ўзи улғайган Испаниянинг Шимолий воҳалари тафти сезилиб турарди. Ҳамма соҳада бўлгани каби тинимсиз ижод, меҳнат ва тажриба ўз кучини кўрсата борди.

Рикардо Санзнинг манзара жанридаги ишларини кузатар экансиз, ранглар уйғунлигида гўзал табиатни кўрасиз. Унда тасвирланган қирғоқ бўйлари, кеч пайтлардаги тилла ранг чирок шуълалари, дарахтлар барглари орасидан таралаётган қуёш нурлари ҳар бир лаҳзага табиатнинг тоза ҳавосини юктиради. Санз асарларидаги табиий жараёнлар губорсиз, сокин оламга олиб киради. Бу оламда эстетик завқ олишдан ташқари рухий ором олиш ҳам мумкин.

Санз портрет жанрида ишлар экан, у ўз мўйқалами билан инсон танасига буткул эгаллик қилгандай тана гўзаллигининг табиийлигини ижобий очиб бера олган. Санз асарларини кузатар эканмиз, табиат гўзаллигини ҳис қилиш учун вақт тўхтаб тургандек, таассурот уйғотади.

Истеъдодли rassom Рикардо Санз 1982 йилдан бошлаб Мадрид, Париж ва Сан-Себастьян шаҳарларида кўплаб шахсий кўрғазмаларини ўтказди. Кўпгина давлат мукофотларига сазовор бўлди. ■

КАМОЛИДДИН тайёрлади

Rikardo Sanz



Rikardo Sanz



Yangi mavsum uchun obuna davom etmoqda!

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

4500



ISSN 2091-5330